Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 6 июнь 1973 йил, чоршанба • № 131 (15.605). • Баҳоси 2 тийин.

ЎРИМ АВЖИДА

АНДИЖОН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бу йил Андижон ғаллакорлари 70 минг тонна дон етиштирадилар. Ҳозир юксак мажбуриятни бажариш учун қизғин кураш кетяпти. 6750 гектар майданда беда билан арпа, 1740 гектар ерга соф ҳолда арпа экилган. Бу майдонлардан 27 минг тонна арпа йиғиштириб олиш мўлжалланмоқда.

Областнинг барча хўжаликларида арпа ўрими бошланди. Бу ишни тезлаштириш ва осонлаштириш мақсадида зарбдор группалар тузилди. Ҳар бир группа 3-4 хўжаликка хизмат қилади. Комбайнлар ҳам группа бўлиб ишлаяпти. Группаларга масъул кишилар бириктирилган.

Ўрим-йиғим конвейер усулда олиб борилмоқда. Комбайндан чиққан арпа омборга, сомони эса пресслаб фермага юборилаётир. Бўшаган майдонлар пешма-пеш ҳайдалиб маккажўхори экиляпти.

Бу иш айниқса Андижон районида яхши ташкил этилган. Район механизаторлари областда биринчи бўлиб ғаллазорларга комбайнлар олиб киришди. Якшанба куни Андижон районининг бўрдоқичилик базаси хўжалигида арпа ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланган кўргазмали семинар бўлди. Бунда областдаги барча дончилик бригадаларининг бошлиқлари, мутахассислар, партия, совет ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар. Семинарда шу кунинг вазифалари белгилаб олинди.

ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧИ

Сиёсий ва иқтисодий таълим системасида якунловчи машғулотлар ўтяпти. Партия ташкилотлари сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари, уларнинг методик кенгашлари, сиёсий ва иқтисодий мактаб ва семинарларнинг раҳбарлари ўқув йилини муваффақиятли якунлаш учун кўп ишларни қилдилар. Ўқув йилини якунлашга бағишлаб партия ташкилотлари секретарлари ва пропагандистларнинг семинар-кенгашлари ўтказилди. Якунловчи машғулотларнинг тематикаси ва методик жавоблар ишлаб чиқилди.

Бошқа ўқув йилларидаги каби бу йил ҳам партия маорифи системасининг барча звеноларида Ленининг ғоявий меросини, КПСС XXIV съездида ишлаб чиқилган актуал назарий ва сиёсий проблемаларни, экономика ва ишлаб чиқаришни бошқариш масалаларини ўрганишга алоҳида аҳамият берилди. Тингловчилар КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида» қилган докладида баён этилган назарий қоидалар ва сиёсий хулосаларни эҳтиёж қизғиниш билан ўргандилар.

Бутун мамлакатдаги каби республикамизда ҳам моддий ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган турли касбдаги ходимларнинг иқтисодий билим олишига алоҳида эътибор берилмоқда. Кўпчилик раҳбар ходимлар, халқ хўжалигининг мутахассислари белгиланган ўқув программасига биноан КПССнинг иқтисодий сиёсатини, экономика ва илмий бошқариш масалаларини ўрганаётирлар. Ишчи ва колхозчиларнинг 15 процентдан кўпроғи иқтисодий билимлар асосларини ўрганишга киришди.

Ўтган йиллардагидек бу йил ҳам якунловчи машғулотлар ва назарий конференциялар ўтказишдан асосий мақсад—тингловчиларнинг йил бўйи олган билимларини мустаҳкамлаш, назарий масалаларни амалий ишлар билан, партия ташкилотларининг конкрет вазифалари билан узвий боғлаган ҳолда уларнинг онгига етказиш, социалистик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнаткашлар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишларни янада яхшилашга ёрдам беришдан иборат.

Кўпгина партия ташкилотлари тингловчиларнинг истакларини эътиборга олиб, якунловчи машғулотларга «КПСС — совет халқининг ташкилотчиси ва сиёсий раҳбари», «Миллий масала ва интернационал тарбия бўйича ленинча таълимот», «Халқлар дўстлиги — коммунистик қурилишда янги ғалабалар гарови», «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш — мамлакатнинг иқтисодий қудрати ва халқимизнинг турмуш даражасини оширишнинг асосий шарти», «Меҳнат унумдорлигини ошириш — коммунизм қурилишида бош вазифа», «Социалистик мусобақа — ишлаб чиқариш коллективларининг меҳнат активлигини оширишда муҳим омил», «Бошқариш системасини такомиллаштириш — партиямиз иқтисодий сиёсатининг асосий масалаларидан бири», «Партия XXIV съезднинг Тинчлик программасини амалга оширишда КПСС ва Совет ҳукуматининг фаолияти», тўқиз йилинчи беш йиллиқнинг ҳал қилувчи йили халқ хўжалик планларини муваффақиятли бажариш билан узвий боғланган проблемалар ва шу каби актуал темаларни киритдилар.

Партия ташкилотлари ва пропагандистлар ўтган йиллардаги тажрибаларга асосланиб, якунловчи машғулотларнинг самарали формаларидан ҳисобланган группа тарзда ва шахсий суҳбатлар, тингловчиларнинг рефератлар билан чиқишлари, назарий конференциялардан кенг фойдаланишлари мумкин. Баъзи пропагандистлар, масалан, Тошкент авиация заводида тингловчиларга бутун ёз давори учун конкрет вазифалар бермоқдалар.

Бошланғич сиёсий мактабларда ва марксизм-ленинизм асослари мактабларида якунловчи машғулотлар учун темалар йил давомида ўрганилган фандан келиб чиққан ҳолда тингловчиларнинг конкрет амалий вазифаларини ҳисобга олиб белгиланмоқда.

Назарий семинарларнинг қатнашчилари учун якунловчи суҳбатлардан ташқари конференциялар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Тошкент, Самарқанд ва Андижон областларида ўтаётган конференцияларда, илмий ва назарий семинарларда, якунловчи машғулотларда табиатшуносликнинг баъзи фалсафий проблемалари, фан-техника революцияси масалалари, интернационализм ва ватанпарварлик, ҳозирги замондаги ғоявий кураш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ролини ошириш каби масалалар атрофлича ўрганилмоқда.

Марксизм-ленинизм университетлари ва партия активи мактабларида имтиҳон ва синовлар ўтяпти. Тингловчиларнинг реферат ва курс ишлари тайёрлаши, назарий конференциялар ўтказиш ўқув йилига якун ясашда энг самарали формалардан ҳисобланади.

Партия маорифи системасида ўқув йилида экономика ва бошқариш масалалари бўйича янги курслар кенг ўрганилди. Бу фанларни ўрганиш юзасидан якун ясашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Партия ташкилотлари комсомол маорифи системасида якунловчи машғулотларни юксак ташкилий савияда ўтказиш учун зарур тадбирлар белгилашлари керак. Ўқув йилини «Беш йиллиқнинг ҳал қилувчи йилига сен қўшган ҳисса» деган темада ленинча дарс билан якунлаш тавсия қилинади. Унда «Беш йиллиқнинг ҳал қилувчи йилини зардоб меҳнат ва аъло ўқиш билан якунлаймиз» деб ўтказилган Бутииттифоқ комсомол йиғилишида қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётгани ҳам кўриб чиқилади.

1972—1973 ўқув йили меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими кенг тус ола бошлаган йил бўлди. Шу боисдан ҳам партия ташкилотлари иқтисодий таълим системасида якунловчи машғулотларнинг юксак савияда ўтишига алоҳида эътибор бериши лозим. Якунловчи машғулотларда ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини ошириш ва фан-техника тараққиётини тезлаштириш, барча резервлардан тўла фойдаланиш масалалари атрофлича муҳокама қилинмоғи керак.

Ҳар бир бошланғич партия ташкилотида партия ва иқтисодий таълим системасида ўқув йилининг якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, партия XXIV съезди талаблари ва КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими тўғрисида» қабул қилган қарори асосида конкрет тадбирлар белгиланиши лозим.

Семинарларда, пропагандистларнинг ёзги курслари ва конференцияларида марксча-ленинча назариянинг ҳозирги замон проблемаларини, партия пропагандаси тажрибаларини чуқур ўрганиш, энг яхши тажрибаларни, кишилар билан ишлашнинг самарали методларини оммалаштириш керак.

Ўқув йилини якунлаш ғоявий-тарбиявий ишларда танаффусга чиқиш деган гап эмас. Ёзги даврда партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1972 йил) ва апрель (1973 йил) пленумлари ҳужжатларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида» қилган докладида баён этилган назарий қоидалар ва сиёсий хулосаларни тушунтириш учун лекция пропагандаси, тематик учрашувлар, савол ва жавоб кечалари, докладлар ва сиёсий ахборотлардан кенг фойдаланиш зарур. Маҳаллий Советларга сайловлар муносабати билан сиёсий-оммавий ишлар янада кучайтирилиб юборилади. Бу ишлар тўқиз йилинчи беш йиллиннинг ҳал қилувчи, учинчи йили план-топшириқлари ва мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши учун меҳнаткашлар оммаси активлигини янада ошириш ишига бўйсундирилмоғи керак.

ПИЛЛА—ДАВЛАТГА

Республика областларида пилла тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 5 июнга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

БУХОРО	0,1	128,1
СИРДАРЁ	2,8	120,6
ХОРАЗМ	3,0	118,7
СУРХОНДАРЁ	0,9	112,7
АНДИЖОН	6,9	107,6
ҚАШҚАДАРЁ	0,3	106,3
ТОШКЕНТ	0,9	105,4
НАМАНГАН	0,2	101,3
Самарқанд	6,3	99,3
ҚҚ АССР	10,4	91,0
Фарғона	1,8	90,1
Республика бўйича:	2,9	104,9

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда; учинчи устун — мавсум бошидан бери.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари 164 гектар ерга маккажўхори экиб, 80 центнердан дон, 700 центнердан кўк поя олиш учун қурашмоқдалар. Шу кунгача маккажўхори икки марта озиқлантириляпти, уч марта ишлов берилди. Суратда: (чапдан) бригада аъзоларидан Р. Хегай ва В. Тойшин маккажўхоризорда.

А. Тўраев фотоси.

Ҳосил тақдири—механизаторлар қўлида

МЎЛ ҲОСИЛГА ЗАМИН

Менш бир нарса қувонтиради. Колхозимизда пахтачиликни комплекс механизациялаш учун юриш бошланди. Кейинги икки-уч йил ичида аксарият майдонлар кафтдек текисланди, майда далалар яхлитлаштирилди, механизацияни кенг жорий қилишга шароит яратилди.

Бултур колхозимиз 1664 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33 центнердан хирмон кўтарди. Ялпи ҳосилнинг 45 проценти бункерлардан тўкилди. Машинада терилган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди. Техника шарофати билан терим 15-20 кун қисқарди. Пахтанинг таннархи анча арзонлашди, соф фойда кўпайди. Юқори сорт пахта топшириш ҳисобига олинган фойда 329 минг сўм бўлди.

Бригадамиз аъзолари ҳам комплекс механизация йўлидан бориб, мисли кўрилмаган ғалабага эришдилар. Ўтган йили 40 центнерлик маррани эгаллаб, Давлат омборига 690 тонна пахта тўкдик. Тайёрланган пахтанинг 70 процента агрегатларда териб олинди. Бир центнер пахтанинг таннархи 22,5 сўмга тўғри келди. Ҳар бир колхозчининг ойлик маоши 195 сўмни ташкил этди.

Бу ютуқларни қўлга киритишда механизаторларнинг салмоқли ҳиссаси бор. Механизатор — қишлоқда катта куч. Ҳар ишда унинг роли сезилиб турибди: Ер ҳайдаган, текислаган, чигит эккан, қатор ораларига ишлов берган, ғўзага ўғит солган, пахта терган, хуллас, ҳамма иш ижрочиси механизаторлардир.

Мен ҳам механизаторман. 13 йилдирки, комплекс механизациялашган бригадага бошлиқман. Ҳар йили терим маҳалида машина ўриндиғига ўтирамман. Бурноғи йили «Ўзбекистон» машинаси бункеридан 47,2 тонна пахта тўккан эдим. Ўтган йили 750 тонна пахта тердим. Бу мени қаноатлантирмайди. Чунки худди шу машинада мендан кўп пахта терганлар бор. Бултур машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳафиз Полвонов 900 тоннадан зиёд пахта териб, жаҳон рекордини қўйди.

Демак, 750 тонна мен учун охирги чегара эмас. Ҳаракат қилсам, машинанинг сиру асорини мукаммал ўргансам, бундан ҳам кўпроқ пахта теришим мумкин. Бу йил ўз агрегатим бункеридан 980 тонна пахта йиғишга сўз бердим. Шундан 650 тоннасини ўз бригадамда, 80 тоннасини қўшни бригада даласида, қолган 250 тоннасини Марказий Фарғона ерларида теришга аҳд қилдим.

Бригадамизнинг мажбурияти ҳам реал: 145 гектар майдонга чигит экдик. Ҳар гектар ердан 50 центнердан хирмон кўтаришга, областда энг арзон пахта етиштиришга сўз бердик. Бир центнер пахта таннархини 17 сўмга туширамиз. Бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 30 тоннадан пахта етиштирамиз. Ҳосилнинг 90 процентини машинада териб оламиз.

Абдурахмон Мусулмонқулов, Абдуҳошим Аҳмедов, Тоштемир Жўраев бошчилик қилаётган бригадаларнинг механизаторлари эса яхши ҳосилнинг 70-80 процентини машинада теришга аҳду паймон қилдилар. Колхозимиз бўйича 1664 гектар майдонда ғўза ўстиряпмиз. Ҳар гектар ердан 34,5 центнердан хирмон кўтарамиз. 5650 тонна пахта тайёрлаймиз. Унинг 73 процентини «зангори кема»ларда терамиз.

Бунинг учун ҳозирдан тайёрланяпмиз. Терим машиналарини мавсумга шайламоқдамиз. Дала ишларини механизациялаш энг муҳим вазифамиздир. Буни яхши англаган ҳар бир механизатор ўз зиммасига конкрет мажбурият олиб, мардона меҳнат қиляпти, ёш ниҳолларни парвариш қилиш, ғўза қатор ораларига ишлов беришда фаол қатнашмоқда.

Ғўзалар икки марта комплекс ишлов берилди, учинчи парвариш қизғин тус олди. Емгир кўп ёғди, ҳаво яхши исимади, ҳарорат кам бўлди. Ниҳолларнинг ривожланиши анча кечикди. Шунинг учун бутун куч, техника воситалари ғўза парваришини кучайтиришга сафарбар этилди. Ўсимликнинг ривожланишини тезлаштириш чораларини кўрдик. Озиқлантиришни барвақт бошладик. Чигит билан бирга ҳар гектар ерга 100-120 килограммдан ўғит солган эдик. Биринчи озиқлантиришда ҳар гектар ерга 100 килограммдан азот, 150 килограмм фосфорни маҳаллий ўғитга аралаштириб солдик. Ўғитни ғўзанинг ён томонига ташладик. Ўғит белгиланган чуқурликка тушиши учун сошникларнинг олдига юмшаткичлар қўйдик. Иккинчи озиқлантиришда ўғитни эгатнинг ичига соляпмиз. Бунда ҳар гектар ерга 250 килограммдан азотни маҳаллий ўғитга аралаштириб бера бошладик.

Тупроқни қиздириш мақсадида чуқур культивация ўтказяпмиз. Бу ишда механизаторлар жонбозлик кўрсатяпти. Бир универсалда икки универсалнинг ишини бажаришга эришяпмиз. Ҳар бир агрегатга 36 иш органи осганмиз.

Шу кунларда ҳар тун ғўзани меҳр билан парвариш қилиб, мўл ҳосилга замин яратяпмиз.

Обиджон АКБАРОВ,
Андижон область Мархамат районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг механизатори, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1973 йил 3 июнда Париж чеккасидаги Ле-Бурже аэродроми яқинида «ТУ-144» совет самолёти намойиш парвозини ало этиш пайтида Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРда хизмат кўрсатган синовчи учувчи М. В. Козлов, синовчи учувчи В. М. Молчанов, самолёт штурмани Г. Н. Баженов, бош конструктор ўринбосари, генерал-майор-инженер В. Н. Бендеров, етакчи инженер Б. А. Первухин, борт инженер А. И. Дралин ҳалок бўлганликларини чуқур қайғу билан маълум қилиб, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва қариндош-уруғларига таъзия билдирадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари
Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Ле-Буржеда бўлган авиация фалокатидан ҳаяжонга тушиб, мен Сизга қардошларча таъзия ва бирдамлик ҳис-туйғуларини изҳор қиламан.

Ҳалок бўлганларнинг оиласига ва бутун совет халқига шу ҳис-туйғуларимни етказишингизни Сиздан сўрайман.

Жорж МАРШЕ,
ФКП Бош секретари.

ТАЪЗИЯ ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

Франция бош министри П. Мессмер СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинга «ТУ-144» самолётининг ҳалокати муносабати билан телеграмма юборибди, шахсан ўз номидан ҳамда Совет Иттифоқининг ҳавода ва космоса эришган ажойиб муваффақиятларига қойил қолган кўпдан-кўп французлар номидан ҳамдардлик изҳор этди.

* * *

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Франция бош министри П. Мессмерга юборган телеграммасида «ТУ-144» самолёти ҳалокатга учраган районда бўлган француз гражданларининг ҳалокати муносабати билан Совет ҳукуматининг чуқур таассуфини изҳор этди. Телеграммада ҳалок бўлган кишиларнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига таъзия ҳамда зарар кўрганларнинг ҳаммасига ҳамдардлик билдирилади.

(ТАСС).

ҚАРДОШЛИК САЛОМИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Косигин Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати маслаҳат кенгашининг раиси доктор Нгуен Хиу Тхоса ва Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати раиси доктор Хюнн Тан Фатга телеграмма юборишдилар.

Телеграммада бундай дейилади:

«Жанубий Вьетнам Республикасининг Муваққат революцион ҳукумати ташкил топган кунининг 4 йиллиги муносабати билан совет халқи номидан ва шахсан ўз номимиздан Сизларга, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитетига, маслаҳат кенгашига, Муваққат революцион ҳукуматга ва Жанубий Вьетнамнинг қаҳрамон халқига қизғин қардошлик саломи ва самимий қутловларимизни йўллаймиз.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Миллий озодлик фронти Марказий Комитети ва Муваққат революцион ҳукумат раҳбарлигида империалистик агрессияга қарши курашда жуда катта муваффақиятларга эришдилар.

Вьетнамда урушни тўхатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисида Парижда имзоланган битим тарихга халқларнинг озодлик, миллий суверенитет ва социал тараққиёт йўлидаги курашида муҳим босқич бўлиб, вьетнам халқининг катта ғалабаси, бутун планетадаги тараққийпарвар ва тинчликсевар кучлар жанговар бирдамлигининг ғалабаси бўлиб киради.

Пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлган совет кишилари вьетнам ватанпарварларини сабот билан қўллаб-қувватлаб келдилар ва бундан буён ҳам доим қўллаб-қувватлайверадилар. Совет халқи Муваққат революцион ҳукуматнинг Жанубий Вьетнам ички проблемаларини ҳаққоний тарзда ҳал этишга, халқаро майдонда ўз обрўсини оширишга қаратилган ижобий тадбирларини тўла-тўкис маъқуллайди.

Миллий озодлик фронтининг, Муваққат революцион ҳукуматнинг ва Жанубий Вьетнам халқининг Париж битимини амалга оширишда ва ўз миллий орзу-тилакларини рўёбга чиқаришда янгиданянги муваффақиятларга эришувини астойдил тилаймиз.

Яшасин Совет Иттифоқи ва Жанубий Вьетнам халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва қардошларча бирдамлик!».

Ҳурмат тахтаси

Пилла тайёрлаш планларини муддатидан олдин бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

Ургanч районидаги (район партия комитетининг секретари П. Назаров, район ижроия комитетининг раиси О. Матчонова, район комсомол комитетининг секретари Д. Ражабов, бош пилла сушилкасининг директори И. Мадаминов).

Наманган районидаги (район партия комитетининг секретари Х. Охунов, район ижроия комитетининг раиси А. Мўминов, район комсомол комитетининг секретари Э. Юсупов, бош пилла сушилкасининг директори М. Тухтахужаев).

Ўзбекистон районидаги (район партия комитетининг секретари А. Пайғамов, район ижроия комитетининг раиси А. Мирсолиев, район комсомол комитетининг секретари Н. Раҳимов, бош пилла сушилкасининг директори А. Муҳиддинов).

Задарё районидаги (район партия комитетининг секретари Ғ. Тожибоев, район ижроия комитетининг раиси А. Ашуров, район комсомол комитетининг секретари З. Убайдуллаева, бош пилла сушилкасининг директори Э. Мирзабоев).

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречконинг таклифига биноан Эрон қўрбий министри армия генерали Ризо Азимий расмий визит билан 4 июнда Москвага келди.

(ТАСС).

ДЕЛЕГАЦИЯ ПРАГАГА КЕЛДИ

ПРАГА, 4 июнь. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги совет делегацияси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXVII сессияси ишида қатнашиш учун бугун Прагага келди.

ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари В. Биляк, ЧССР ҳукумати Раисининг ўринбосари Ф. Гамоуз, Федерал ҳукумат министрлари, Чехословакиянинг бошқа вакиллари совет делегациясини аэродромда кутиб олдилар.

ПРАГА, 4 июнь. (ТАСС). Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси С. Тодоров бошчилигидаги Болгария делегацияси; Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Е. Фок бошчилигидаги Венгрия делегацияси; Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Х. Зиндерман бошчилигидаги ГДР делегацияси; Куба Республикаси Бош министрининг ўринбосари К. Р. Родригес бошчилигидаги Куба делегацияси; Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал бошчилигидаги МХР делегацияси; Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси П. Ярошевич бошчилигидаги Польша делегацияси; Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси И. Г. Маурер бошчилигидаги Руминия делегацияси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессияси ишида қатнашиш учун Прагага келишди.

Югославия Социалистик Федератив Республикаси иттифоқ Ижроия вечаси раисининг ўринбосари А. Вратуша бошчилигидаги ЮСФР делегацияси ҳам келди.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

АМЕРИКА КОМПАРТИЯСИ Л. И. БРЕЖНЕВ ВИЗИТИНИ ТАБРИКЛАЙДИ

АҚШ КОМПАРТИЯСИНИНГ ХАЛҚҚА МУРОЖААТИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). АҚШ Коммунистик партияси Америка халқига қилган мурожаатида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШга қиладиган визитини табриклайди ва америкаликлар Совет Иттифоқидан келадиган азиз меҳмонни самимий кутиб оладилар, деб ишонч билдиради.

Мамлакатимизга хуш келибсиз, Леонид Ильич Брежнев! Америка халқи СССР билан тинчлик, дўстликни ва ҳамкорлик қилишни хоҳлайди ва шунга муштоқ, дейилади мурожаатда. Сизнинг визитингиз мамлакатларимиз ўртасидаги яхши муносабатларни ривожлантириш йўлида тарихий босқич бўлади, ер юзидаги барча мамлакатлар халқлари тараққиёти, тинчлиги ва фаровонлиги манфаатларига мос бўлиб тушади.

Сизнинг визитингиз бултурги йилнинг майида Москвада юксак даврада ўтказилган машҳур учрашувда бошланган ишларнинг руҳига мос бўлиб тушади ва шу ишларни давом эттиришга хизмат қилади. Ўша ерда икки мамлакат раҳбарлари кўп йиллик «совуқ уруш» душманчилик муносабатларидан янги йўл томон батамом бурилишга қатъий қарор қилишди.

Леонид Ильич, бизнинг мамлакатимизга қиладиган визитингизни назарда тутиб турли соҳаларда тинч-тотув яшаш принциплари негизидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш учун яхшиланиб бораётган Совет — Америка муносабатларини давом қилдиришга тайёр эканлигингизни айтгандингиз. Сиз бундай тараққиёт ҳар иккала мамлакат манфаатларига мос бўлиб тушади ва айни маҳалда халқаро муносабатлар яхшиланиш ва ялпи тинчлик мустаҳкамланиш умумий процессининг муҳим бир қисмидир, деб таъкидладингиз.

Мамлакатимизнинг ҳушёр фикр юритувчи гражданлари ана шу ҳис-туйғуларга қўшиладилар, деб ишонамиз. Ялпи тинчликнинг мустаҳкамланиши СССР билан АҚШ ўртасида тинч-тотув яшаш принципларига асосланган муносабатлар ривожланишига ғоятда боғлиқ, дейилади мурожаатда. Шу йўлда босилган ҳар бир қадам икки буюк давлат ўртасида термоядро уруши хавфини камайтириш жиҳатидангина эмас, шу билан бирга савдо-сотиқ соҳасидаги ҳамкорлик, илмий ва маданий алоқаларни кенгайтириш учун қулай имкониятлар вужудга келтириши жиҳатидан ҳам кенг омма манфаатларига мос бўлиб тушади.

Мурожаатда АҚШда Л. И. Брежневнинг олиб борадиган музокаралари ғоят самарали бўлади, Америка халқи билан совет халқи ўртасида бутун инсоният бахт-саодатини кўзлаб тинчлик, қуролсизланиш ва ҳамкорликни ривожлантириш йўлида янги-янги муваффақиятларга олиб келади, деб ишонч билдирилади.

АМЕРИКАЛИКЛАР Л. И. БРЕЖНЕВ ВИЗИТИ ҲАҚИДА

НЬЮ-ЙОРК, 4 июнь. (ТАСС). АҚШ Коммунистик партиясининг Бош секретари Гэс Холл кеча Нью-Йорк жамоатчилиги митингида сўзга чиқиб, америкаликларнинг кўпчилиги КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг мамлакатимизга қиладиган визитини табриклямоқдалар, деб айтди.

Бу визит, деб таъкидлади у, биз учун жуда катта аҳамиятга эга. Ўртоқ Л. И. Брежнев Америка Қўшма Штатларига амалий мулоҳазалар билан келяпти. Совет—Америка савдо-сотиғини ривожлантириш шу визитнинг мақсадларидан биридир. Савдо алоқаларининг кенгайиши ҳар иккала мамлакат учун фойда келтирибгина қолмай, шу билан бирга кўпгина ишсиз юрган америкаликларга совет заказларини бажаришда қатнашиб, ишга жойлашиш имкониятини ҳам беради.

Ўртоқ Л. И. Брежнев фан, медицина соҳасида, космик фазони тинч мақсадларда ўзлаштириш соҳасида совет—америка ҳамкорлигини янада ривожлайтириш мақсадида АҚШга келади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, деди яна Гэс Холл, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар таянч бўлиб турган тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун АҚШга келади. У жаҳонда биринчи ишчи-деҳқонлар давлатининг намояндаси сифатида, тинчликсевар кучларнинг тантанаси учун курашаётган янги жамиятнинг намояндаси сифатида АҚШга келади.

Гэс Холл сўзининг охирида митинг иштирокчиларининг гулдурос қарсаклари остида бундай деди: Биз америкалик коммунистлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг АҚШга қиладиган визитини чин юракдан табриклаймиз, буни жуда ўз вақтида қилинаётган визит деб ҳисоблаймиз ва «Хуш келибсиз, ўртоқ Брежнев!» деб айтамиз.

БИТИМ КУЧГА КИРДИ

4 июнда СССР ташқи савдо министрлигида министр ўринбосари Н. Д. Комаров АҚШ ҳукумати шу йил 12 апрелда битимни маъқуллаганлиги муносабати билан Американинг «Оксидентэл петролеум корпорейшн» фирмасининг президенти А. Хаммер билан учрашди.

Битимда Совет Иттифоқида ўғит ишлаб чиқарувчи йирик саноат комплексини қуришда ҳамкорлик қилиш, шунингдек АҚШдан СССРга суперфосфор кислотаси ва СССРдан АҚШга химиявий товарлар етказиб бериб туриш кўзда тутилган.

Битим кучга кирди. (ТАСС).

Кубада шакар қамиш ўрими — сафра тугай деб қолди. Қанд саноати меҳнаткашлари ҳозирданоқбеш миллиондан ортиқ қанд тайёрлашди. Сафрада Камагуэй вилоятида ишлаётган «Боливия ҳаҳрамонлари» бригадаси айниқса юқори кўрсатгичларга эришди. Суратда: шу бригада аъзоларидан бири — 22 ёшли мачетерос (ўроқчи) Гауденсио. Биз зарбдор меҳнатимиз билан, — дейди меҳнат ўроқчи, — ёшлар ва студентларнинг Берлинда ўтадиган X жаҳон фестивалига йўлланма оламиз.

Пренса Латина — ТАСС фотоси.

БУГУН — ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ РЕСПУБЛИКАСИ ТУЗИЛГАН КУН

КУРАШЛАРДА ЎТГАН ТЎРТ ЙИЛ

Бугун Жанубий Вьетнам меҳнаткашлари, жаҳондаги барча эркпарвар кишилар Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати тузилган кунининг тўрт йиллигини нишонламоқдалар. Вьетнам миллий озодлик фронти жангчиларининг АҚШ империалистлари ва уларнинг Сайгондаги малайларига қарши олиб борган қаҳрамонона курашларидан сўнг Муваққат революцион ҳукумат тузилган эди. Ушандан буён орадан 4 йил ўтди. Бу давр жанубий вьетнамлик ватанпарварлар учун шиддатли олишув, ҳаёт-мамот жангги йиллари бўлди. Пентагон ҳарбийларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларига қарамай, Сайгондаги қўғирчоқ ҳукуматининг қуролли кучлари ватанпарварларни бўйсиндира олмадилар. Империалистларнинг Ҳинди-Хитойдаги планлари барбод бўлди.

Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти жангчилари революцион ҳукумат раҳбарлигида Жанубий Вьетнамда кенг фронт бўйлаб кураш олиб бордилар. Мамлакатнинг Куангчи вилоятидан Камау бурнигача бўлган кенг майдони қўғирчоқ ҳукумат қўшинларидан тозаланиб, озод қилинган районларда халқ революцион ҳокимияти ўрнатилди. Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати озод қилинган районларда аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга, айниқса экономикани қайта тиклаш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган проблемаларга катта аҳамият бермоқда. Озод қилинган жойлардаги аҳолининг кўпчилигини деҳқонлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу ерларда ер-сув ислоҳотига алоҳида эътибор берилаётир. Сўнгги йиллар ичида Жанубий Вьетнам деҳқонлари халқ ҳокимиятидан 1600 минг гектардан зиёд ер олишди. Биргина Тяу Док вилоятидаги деҳқонлар 10 минг гектардан ошиқ ер олишди.

Халқ ҳокимияти маориф ишларини ривожлантириш борасида ҳам катта ишлар қилди. Озод қилинган районларда шу йилнинг ўзидаёқ кўплаб мактаблар очилди. Ҳозир уларда 35 минг бола ўқимоқда. Газета чиқариш, китоб нашр этиш ишлари йўлга қўйилди. Соғлиқни сақлаш масаласига айниқса катта аҳамият берилаётир, янги касалхоналар, медицина пунктлари очилмоқда.

Жанубий Вьетнамнинг озод қилинган районларининг меҳнаткашлари катта қийинчиликларга қарамай янги ҳаёт йўлида мардона ҳаёт кечирмоқдалар. Бу қийинчиликлар аввало, Жанубий Вьетнам тупроғида юз берган уруш ва унинг оқибатлари туфайли туғилган эди. Бунинг устига Сайгон маъмурияти ўзининг ҳарбий ва нғвогарлик ҳаракатлари билан бу қийинчиликларни енгишга халқит берялпти. Париж битими қўпол равишда бузилаётир. ЖВР Муваққат революцион ҳукумати назоратида бўлган районларга қарши қўпорувчилик ҳаракатлари ҳамон давом этяпти.

Ана шундай қийин бир шароитда Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати вазиятни нормаллаштириш, тинч-тотув яшаш ва иқтисодий ривожланиш йўлида тинмай изланаётир. Бу борада у икки томонлама қўшма ҳарбий комиссия тузиш ғоясини илгари сурди, комиссия кўриб чиқиши учун қатор аниқ таклифлар киритди. Бироқ фактлар шуни кўрсатиб турибдики, Сайгон маъмурлари икки орадаги низоларга чек қўйишга ва ўзаро келишувга асло интилаётгани йўқ, ватанпарварларга қарши хунрезликни давом эттиряпти. Сўнгги маълумотларга қараганда, Сайгон маъмурияти назоратида бўлган жойларда ватанпарварларга қарши 32 минг марта полиция «юришлари» уюштирилган. Натижада қўғирчоқ ҳукуматдан «норози» бўлган минглаб кишилар қамоққа олинган ва қатл этилган. Ҳозирги пайтда Жанубий Вьетнам концлагерларида 30 мингдан зиёд киши азоб чекмоқда.

Париж битимларини амалга ошириш ва Вьетнамда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда ЖВР Муваққат революцион ҳукумати Совет Иттифоқининг қардошларча ёрдамига таянмоқда. Мамлакатнинг озод қилинган районлари меҳнаткашлари эса бугун ўз ҳукуматлари тузилган куннинг тўрт йиллигини нишонлар эканлар, халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, тинчликни сақлаб қолиш учун меҳнат ва курашни давом эттирмоқдалар.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ. Жафокаш Куангчи тупроғида ҳаёт ўз изига тушмоқда. Вилоятнинг озод қилинган районларида иш қизғин. Суратда: Жанубий вьетнамлик деҳқонлар эгинларни парвариш қилишмоқда.

ВИА — ТАСС фотоси.

ПЕКИН МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИ БУЗМОҚДА

ВАРШАВА. (ТАСС). «Трибуна люду» газетаси Пекин сиёсати тўғрисидаги мақоласида маочи раҳбарлар учинчи дунё мамлакатларига ва миллий озодлик ҳаракатига алоҳида эътибор бериб, уларни ўзларига бўйсундиришни ва шовинистик, антисоциалистик мақсадларида фойдаланишни мўлжалламоқдалар, деб ёзади.

Пекин шу мақсадларда, дейилади мақолада, ниқоб урунки сочишга ва миллий озодлик ҳаракатини замонамизнинг империализмга қарши курашаётган икки асосий революцион кучи: социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги билан капиталистик мамлакатлардаги революцион ишчилар ҳаракатига қарши қўйишга ўринмоқда.

Пекин ўзининг қўпорувчилик фаолиятини соҳта революцион сафсата билан, кўринишда антиимпериалистик бўлган шиорлар билан ниқоблаяпти. Аслида эса бу империализм ва янги мустамлакачилик хавф-хатари олдида ўз озодлиги ёки мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган халқларнинг туб манфаатларига қарши қаратилган диверсиядан бошқа нарса эмас.

Бироқ, деб давом қилади газета, миллий озодлик ҳаракати ва учинчи дунёнинг бошқа прогрессив кучлари Пекиннинг ҳарчанд уринишларига қарамай, социалистик мамлакатлар томонига ўтиб Совет Иттифоқи билан қалин алоқа боғлаб турганлигидан Хитой раҳбарлари шунга ҳалақит бериш учун ҳеч нарсадан тойишмаяпти. Кейинги йилларда улар учинчи дунёдаги сўл бўлсин, ўнг бўлсин антисовет, антисоциалистик йўлдан борувчи ҳар қандай кучларни қўллаб-қувватламоқдалар. Бундай сиёсат империализм ва ривожланаётган мамлакатларнинг реакцион доираларига, уларнинг халқ оммасига қарши, прогрессив ва демократик кучларга қарши нурашига йўл келиши аёндир.

Пекин эълон этган иқтисодий концепциялар ҳам ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилган. Пекин Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ёш мамлакатларнинг оғир саноат объектларини қуришда ёрдам бераётган социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлигини бузишдан даставвал манфаатдордир. Хитой раҳбарлари мустамлакачилик асоратига, қолоқлик ва янги мустамлакачилик қарамлигига қарши курашаётган мамлакатларнинг эҳтиёжлари билан ҳисоблашмай, шу мамлакатларнинг ривожланиш йўналишларини ўзларининг иқтисодий ҳудбинлик манфаатларига, буюк давлатчилик сиёсий мақсадларига бўйсундиришни хоҳлардилар ва улар Осиёдаги аҳволни шу қитъадаги барча давлатларнинг коллектив хавфсизлиги ва тинч-тотув яшаш принципларида мустаҳкамлаштиришга йўл қўймасликка ўринмоқдалар. Лекин улар бунга эришолмаяптилар.

телетайп лентасидан

◆ ВАРШАВА. Польшанинг ташқи савдо обороти мисли кўрилмаган даражаларга етди. Товарлар экспорт қилиш ўтган йили илгаригги йилдагига қараганда 17 процентдан зиёд ошди. Республика экспортида саноат моллари, шу жумладан экскаваторлар, кемалар, тракторлар тобора кўп ўрин эгалламоқда. Социалистик мамлакатлар Польшанинг савдо соҳасидаги энг катта шериклиридир. Польшадан экспорт қилинаётган молларнинг бешдан уч қисми социалистик мамлакатларга юборилмоқда.

◆ УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясида темирйўл транспорти тобора ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда республика барча юк оборотининг 60 процентдан кўпроғи темирйўллар орқали ташилмоқда, темирйўлларнинг узунлиги ҳам ошмоқда. Шу беш йилликда темирйўл транспортини ривожлантириш учун илгариги беш йилликдагига қараганда қарийб икки баравар кўп капитал маблағ ажратилади.

◆ БЕРЛИН. Эрфуртда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг озиқ-овқат саноати бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги мажлиси тамом бўлди. Мажлисда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши комплекс программасининг халқ хўжалиги шу тармоғида қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Мажлис ишида Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, МХР, Польша, Румния, Совет Иттифоқи ва Чехословакия делегациялари қатнашди.

Томонларни қизиқтирувчи бошқа бир қанча масалалар ҳам муҳокама қилинди. (ТАСС).

Абу Райҳон Беруний туғилган куннинг 1000 йиллиги олдидан

МАДАНИЯТИМИЗ ФАХРИ

БЕРУНИЙ ДАВРИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ ҚАРАШЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг СССРнинг 50 йиллиги тўғрисида қилган доклади марксча-ленинча фан хазинасига, давримизнинг революцион ижтимоий-фалсафий тафаккури хазинасига бебаҳо дурдона бўлиб қўшилди. Л. И. Брежнев ўзининг ғоят чуқур мазмунга эга бу ёркин докладида СССРдаги барча халқлар, шу жумладан, Ўрта Осиё халқлари томонидан ярим аср мобайнида қўлга киритилган жаҳоншумул-тарихий ғалабаларни юксак баҳолади. «Партия билан давлатнинг кўп йиллик иши ажойиб самаралар берди, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев. — Бугунги Ўрта Осиё билан Қозоғистонга бир назар ташланг! Бу ерларда сиз Ўзбекистон билан Туркманистоннинг ажойиб пахтазорларини, қозоқларнинг обод бўлган қўриқ ерларини, Қирғизистон билан Тожикистоннинг яшнаб турган боғлари ва янги-янги чорвачилик фермаларини кўрасиз... Ҳозир Ўзбекистон ССРнинг бир ўзида ишлаб турган олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар 20-йилларнинг охирларидаги бутун Совет Иттифоқи халқ хўжалигидаги ана шундай маълумотли мутахассислардан кўпдир. Том маънодаги илм-фан вужудга келиб, камол топди — республикалардаги академияларда кўп минглаб олимлар самарали меҳнат қилмоқдалар.».

Ўртоқ Л. И. Брежнев сўзларининг ниҳоятда асосли ва ҳаққоний эканлигича Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ташкил этилиши, ривожланиши ва мустаҳкамланиши, унда табиий ва ижтимоий фанларнинг турли соҳаларида қўлга киритилган катта муваффақиятлар ёркин мисол бўла олади. Жумладан, республикамиз олимлари марксча-ленинча методологияни қурол қилиб олиб, тарихийлик ва синфийлик принципларини асос қилиб ўтмиш маданий меросининг энг яхши намуналарини ўрганишда катта муваффақиятларга эришдилар. Бу ютуқлар Беруниийнинг илмий меъросини тадқиқ қилиш ва ҳозирги авлодга етказишда ҳам кўзга яққол ташланади.

Иброҳим МУМИНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти.

Беруниийнинг кўп қиррали илмий фаолияти, маълумки, X аср охири ва XI асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бу тарихий давр мураккаблиги ва қарама-қаршиликлари билан ажралиб туради. Бир томондан, бу даврда жамиятда рўй берган социал-иқтисодий силжишлар туфайли Ўрта Осиё халқларининг фан ва маданияти юксалди. Натижада номи фан тарихида мустаҳкам ўрин олган машҳур олимлар етишиб чиқди. Иккинчи томондан, айни шу даврда деҳқонлар ва ҳунармандлар оммасининг феодаллар томонидан эзилиши ва эксплуатация қилиниши кучайди. Шунингдек, ўзаро феодал низолар, Ўрта ва Яқин Шарқнинг феодал давлатлари ўртасидаги мамлакатга вайронагарчилик келтирувчи урушлар кучайди.

Беруний замонидаги социал-иқтисодий шароитнинг ўзига хослиги шунда эдики, Мовароуннаҳр ва Хоразм социал-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида феодализм асос эътибори билан ҳудди шу даврда қарор топди.

Ўрта Осиё, жумладан, Хоразмнинг ҳалифаликка қарамликдан чиқиб, мустақилликни қўлга киритиши, ҳамда феодализмнинг янги босқичга ўтиши туфайли Ўрта Осиё экономикаси ва маданияти тараққий эта бошлади. Суғориш деҳқончилигининг асосини ташкил этувчи ирригациянинг янги иншоотлари қуриди, янги шаҳарлар пайдо бўлди, ҳунармандчилик ривожланди, бошқа мамлакатлар билан савдо муносабатлари, маданий ва сиёсий алоқалар кучайди.

995 йилда Шимолий ва Жанубий Хоразм ягона феодал давлатига бирлаштирилди. Унинг пойтахти кўҳна Урганч бўлди.

Хоразмнинг қадимий Рус билан олиб борган савдо алоқаларида Кўҳна Урганч (ҳозирги Туркманистоннинг Тошовуз областидаги харобалари сақланган шаҳар) муҳим роль ўйнаганлигини ўрта аср тарихчиси Мақдисий қайд қилиб ўтган.

Ана шу прогрессив сиёсий, социал-иқтисодий жараёнлар Ўрта Осиёда, жумладан, Хоразмда илм-фан ва маданият соҳаларида ҳам сезиларли юксалишга олиб келди. Худди шундай жараёнлар пойтахти Бухоро бўлмиш феодал тузумли Мовароуннаҳр ўлкасида ҳам кўринди.

Халқ оммасининг қишлоқ хўжалигидаги, ирригация тармоқлари қурилишидаги ҳамда ҳунармандчиликдаги кўп асрли ғоят бой тажрибасини умумлаштириш асосида табиий-илмий дунёқараш вужудга келди. Бундай дунёқараша эга бўлган кишилар билан диний-мистик ғоядаги кишилар ва реакцион кучлар ўртасида ўзига хос кураш кетди. Ўрта Осиёда суғориш деҳқончилиги, касб-ҳунар ва савдо-сотиқнинг ривожланиши эҳтиёжи ва талаби билан боғлиқ илмларни тараққий эттиришиқ тақозо қилади. Шунинг учун ҳам бу ердан етишиб чиқкан энг илғор кишилар математика, геометрия, астрономия, география, геодезия, медицина сингари фанларни юксалтиришга алоҳида аҳамият бердилар.

Ўрта Осиё, жумладан, Хоразмда табиий-илмий ва илғор фалсафий тафаккур, бу ердаги ижтимоий ҳаётнинг моҳиятини ифодаловчи сифатида, қадим замонлардан бери ривожланиб келади.

Ф. Энгельс ўзининг классик асари «Табиат диалектикаси»да, табиёт, хусусан, математика, механика, астрономия, сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг маълум тараққиёт босқичида келиб чиқди. Демак, фан ишлаб чиқаришга кўра келиб чиқиб ўсди, деган эди. В. И. Ленин ғениал китоби «Фалсафа дафтарлари»да инсоннинг амалий фаолияти илмларининг келиб чиқишида ва ривожида ҳамда мантиқий-логик шакл, формулаларнинг пайдо бўлиши ва ўсиши, мукаммаллашишида ҳал этувчи роль ўйнайди, деган эди.

IX—X асрларга келиб бу ерда тажрибавий билимлар негизида табиатга материалистик нуқтаи назар билан қараш элементларига эга таълимот шаклланди. Бу таълимот ислом динининг асосий қуроли бўлмиш «каломи» фалсафасига қарши ўзига хос бир тарзда кураш олиб борди.

Ўрта Осиёда табиий-илмий тафаккурга асос солган киши — Беруний ватандоши ва унинг энг йирик аждодларидан бири, бўлажак олимда табиий-илмий қарашларнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатган, математикининг янги соҳаси бўлмиш алгебрага асос солган астроном ва географ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (IX аср) ҳисобланади. Беруниийнинг яна бир йирик ўтмишдоши, ўз замонасининг маънавий ҳаётига ғоят кучли таъсир кўрсатган файласуф, Сирдарё соҳилидаги Фороб қишлоғида туғилган Абу Наср Форобий (873—950 йиллар)дир. Беруний қайд этиб ўтганидек, Ўрта Шарқда табиий-илмий тафаккурнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатган олимлардан яна бири Абу Бакр ар-Розий (864—925) ҳисобланади.

Математикининг турли соҳаларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган яна бир олим Беруниийнинг устози Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ (тахминан 1035 йилларда вафот этган) саналади. Ҳозир ибн Ироқнинг математика ва астрономияга оид бир қанча рисолалари борлиги аниқланди. Уларнинг бир қисми Беруниийга бағишланган. Ибн Ироқ синуслар теоремасини сферик учбурчакларга нисбатан биринчилар қатори исботлаб берди. XI аср бошида Хоразмда вужудга келган Билимлар академиясида ибн Ироқдан ташқари файласуф Абу Саҳл Масиҳий, таржимон ва файласуф Абул Хайр Хаммор, шоир ва адабиётшунос Абу Мансур ал-Саолибийлар ҳам самарали ишладилар.

Ниҳоят Беруниийнинг замондоши, 1000-йилларда Урганчга Бухородан келган машҳур табиатшунос ва файласуф энциклопедист олим ибн Сино Хоразм илмий доирасининг кўрки ва фахри эди. Беруний ўзининг бу замондоши билан аввал хат орқали таниш бўлганлиги маълум.

Абу Райҳон Беруний ана шундай тарихий шароит ва маданий муҳитда дунёга келди. У 973 йилнинг 4 сентябрида жанубий Хоразм пойтахти Кот шаҳри атрофида оддий меҳнаткаш оиласида туғилди. Ота-онадан ёш етим қолган Беруниийни ҳоким доирага мансуб машҳур олим ибн Ироқ ўз тарбиясига олди ва унга таълим берди.

Хоразмда рўй берган сиёсий воқеалар сабабли ёш олим Беруний маълум муддат ватанини тарк этиб тахминан 998 йилдан 1004 йилгача Эроннинг Рей шаҳрида, сўнгра Каспий денгизининг жанубий-шарқий қирғоғидаги Гурган шаҳрида яшайди ва ишлайди. X асрнинг охирларида у машҳур астрономияга оид асбоблар ихтирочиси бўлган Ҳамид Хўжандий билан учрашган деб тахмин қилиш мумкин. Тахминан 1005 йилда Беруний Хоразмга қайтиб келиб, Хоразмшоҳ Абу Аббос Маъмун ибн Маъмун саройида олим ва давлат арбоби сифатида фахрли ўринни эгаллайди. 1017 йили Маъмун ўлдирилгач, оз вақт ўтар-ўтмас, Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий босиб олади. Беруний саройдаги бир неча олимлар билан бирга Ғазнага боришга ва ўша ерда илмий фаолиятини давом эттиришга мажбур бўлади. Беруний ҳижрий 440 йили 2 ражабда — 1048 йили 11 декабрда Ғазнада вафот қилди.

Ғазна ҳозирги Афғонистоннинг жанубида, Қобул ва Қандаҳор шаҳарлари оралиғидаги тоғлик ерда жойлашган шаҳар бўлиб, ўша даврда Ғазнавийлар давлатининг пойтахти эди. Ғазнавийларнинг феодал давлати X аср ва XI асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуросон ва Ҳиндистоннинг шимолий қисмини ўз ичига олар эди.

Юз минг миср ўз ичига олган ўлмас «Шоҳнома» асарининг ижодкори Абулқосим Фирдавсий ҳам Тусда, Ғазнада истиқомат қилган. Ғениал Фирдавсийга замондош бўлган улуғ олимимиз Абу Райҳон Беруний ижтимоий ва табиий фанларнинг энг муҳим масалалари устида 31 йил давомида Ғазнада шундай баракали ишлаб, шундай йирик асарлар яратдики, бу асарлар жаҳон фани, жаҳон маданиятининг муҳташам хазинасини безаб турибди.

Биз буюк хоразмлик олим Абу Райҳон Беруниийнинг ватанпарварлик ва гуманизм ғояларидан завқланамиз. Ҳар бир олимнинг бахти шод-хурраллиги умуминсоний ва миллий, ватан ва бошарий манфаатларни бирликда қарай олишда деб билган Беруниийга чуқур ҳурмат ва эҳтиромимизни чин қалбдан изҳор этамиз. Беруниийда халқ ватанпарварлиги илғор гуманизм билан узвий боғланганлиги, бу — мутафаккирнинг олижаноб ҳислат ва фазилатларидир. Унинг қуйидаги сўзларини олиб кўрайлик:

«Бирор ўтиб кетган йилнинг аввалидан ҳисобга олинадиган маълум бир муддатга эра, даврлар дейилади. Ўша йилда турли аломатлар ва далиллар билан (қандайдир) пайғамбар дунёга келган ёки қудратли, шаъни улуғ бир подшоҳ бош кўтарган (ёки ҳароб қилувчи умумий тўфон), зил-

ТОШКЕНТ метроси қурилиши жадаллашиб бормоқда. Ҳозиргача проходчилар бир неча юз метрли тоннелни қазиб қўйдилар. Сиз бу суратларда метро қурилишининг иккинчи участка смена бошлиғи Сергей Михайлович Шкадинов ва илғор монтажчи Назмутдин Калимуллин ўртоқларни ҳамда пастда 2-участка тоннелини кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотолари.

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

ҚИШЛОҚ ЖАМОЛИ

Боғолон — Хоразмнинг обод, кўркам қишлоқларидан бири. Қурилиш ишлари миқёси тинмай кенгайиб боряпти. Қишлоқ аста-секин шаҳар қиёфасига кирмоқда.

Ўзбекистон ССР маҳаллий Советларига кейинги сайловлардан буён ўтган даврни мисолга олайлик. Икки йил у қадар узоқ муддат эмас. Лекин шу қисқа давр ичида қишлоқдаги Куйбишев номли колхоз экономикаси янада равнақ топди, маданий ҳаётда анча ўзгаришлар юз берди.

Колхозда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари комплекс ривожланмоқда. Айниқса, пахтачиликда қўлга киритилган ютуқлар салмоқли. Беш йилликнинг ўтган икки йили ичида планда белгиланган 10 минг тонна ўрнига 13 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етиштирилди. 1840 гектар майдоннинг ҳар гектаридан қариб 36 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Хўжаликнинг ҳамма тармоқлари рентабелли бўлиб қолди. Ўтган икки йилдаги умумий даромад 6,5 миллион сўмни ташкил этди. 1970—1972 йиллар мобайнида бўлинмас фондга бир миллион сўмдан ортиқ пул ажратилиб, бунинг асосий қисми капитал қурилишга сарфланди.

Экономика тараққиёти қишлоқда қурилиш ишларини жадаллаштириш имконини берди. Техника базаси, сут-товар фермаси, қўйнинхона ва бошқа ишлаб чиқариш бинолари бунёд этилди. Кейинги икки-уч йил ичида айниқса маданий қурилишга эътибор кучайтирилди. 500 ўринли қишки ва ёзги клуб, ўрта мактаб, туғруқхона, типовой боғча-ясли ва савдо тармоқлари қурилди. 17 километр узунликда водопровод тармоғи ишга туширилди, 550 хонадон газлаштирилди. Эндиликда қишлоқ аҳолиси радио, электр, газ, водопровод, коммунал-маиший хизматдан шаҳарликлар каби фойдаланмоқда.

— Колхоз қишлоғида шаҳар типида обод посёлкалар барпо қилиш, турмуш маданиятини юксалтириш ва ободончилик ишларида Советларнинг депутатлари ташаббускорлик, ташкилотчилик кўрсатаётирлар, — дейди Боғолон қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси Шукуржон Дўсматова.

Ҳақиқатан ҳам қишлоқ Совети ва унинг депутатлари, доимий комиссиялар хўжалик ва маданий қурилишнинг барча участкаларида жўшқин фаолият, ғайрат ва ташаббус кўрсатмоқдалар. Қишлоқ Советининг 39 депутати ишлаб чиқаришда ҳам, сайловчиларнинг наказларини бажаришда ҳам ибратли ишлар қиляпти. Қишлоқ Совети депутати, 15-бригада бошлиғи, Ленин орденли Ҳожи Оқмонов ҳосилдорликни оширишда ташаббускор бўлди. 50 центнерчилар мусобақасини бошлаб берди. Механизатор депутат Карим Давлатов ғўза парваришида жонбозлик кўрсатиб, вимпел ва пул мукофоти олди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Сўна Матюсупова, қишлоқ Совети депутати Ўғилжон Собирова пиллачиликда довруғ таратдилар.

Қишлоқ меҳнаткашларининг моддий ва маданий турмуши тобора яхшиланяпти. Улар данғиллама уйларда фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Биз пенсионер Абдулла ота Тўраев уйида бўлдик. Чол билан кампир турадиган хона ҳам, ўғил ва келинларнинг хоналари ҳам замонавий асбоб-ускуналар, маданий буюмлар билан жиҳозланган. Етти ўғил ва етти келин, жами 14 киши жамоат меҳнатида қатнашяпти. Неваралар мактабда ўқийди, боғчада тарбияланади.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Т. Ҳайтимов бизга қизиқ фактни сўзлаб берди. Қулоқларни тугатиш ва колхоз тузиш даврида қишлоқда етишган биринчи зиёли, қишлоқ Совети секретари Матёқуб Урозов халқ орасида маърифатни тарғиб қилгани учун синфий душманлар чангалида ҳалок бўлган эди. Уша даврда хат-саводли, етук маълумотга эга бўлган зиёлилар бармоқ билан санарли эди. Ҳозир қишлоқда 50 дан кўпроқ олий маълумотли, 300 га яқин тўлиқсиз олий ва махсус ўрта маълумотли мутахассислар бор. Колхозда 210 малакали механизатор ишламоқда.

Боғолон қишлоғи меҳнаткашлари маҳаллий Совет депутатлигига ўзларининг энг асл ўғил-қизларини номзод қилиб кўрсатдилар. Сайлов шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди.

Сўлим қишлоқ жамолини кўрай десангиз, Боғолонга келинг!

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.
М. АБДУРАҲИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлар пости бошлиғи.

ПАРТИЯГА БАҒИШЛАНАДИ

Снёсий адабиёт нашриёти «КПССнинг вужудга келиши» деган эсдалик китобчани нашр этди. Бу унчалик катта бўлмаган чиройли қилиб безатилган китобчанинг муқовасига В. И. Ленин сурати туширилган.

Китобчада В. И. Ленининг фикрлари, ҳужжатлар, шунингдек жаҳонда биринчи янги типдаги пролетар партиясининг вужудга келиши тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев докладларидан олинган парчалар тўпланган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми филология фанини ривожлантириш, юксак малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти СССР халқлари адабиёти кафедрасининг мудири Натан Муродович Маллаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада тасвирий санъат соҳасидаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР халқ рассоми Владимир Александрович Рифтинни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРИНГ

Мўл пахта ҳосили учун курашда энг масъулиятли давр бошланди. Парваришни уюшқоқлик билан ўтказиш ғўзаларнинг ўсишидаги қолоқликни тугатибгина қолмасдан, шундан кейинги бутун ривожланиш босқичининг тезлашувига ҳам қулайлик яратади.

Ҳозир нималар қилиш керак? Даставвал, ҳали ягона тугалланмаган жойларда бу ишни тезда тугаллаш, кўчатлар сонининг бир хил қалинликда бўлишини таъминлаш лозим. Тажриба шуни кўрсатдики, ўсимликнинг дастлабки ривожланиши даврида ҳаддан ташқари кўп кўчат қолдириш юқори ҳосил тўплашга салбий таъсир кўрсатади. «Тошкент» навларининг нормал қалинликда бўлишига алоҳида эътибор бериш керак. «Тошкент-3» навининг қалинлиги тупроқ унумдорлиги ва сизот сувнинг чуқур жойлашишига қараб ҳар гектар ерда 90-100 минг туп атрофида, «Тошкент—1,2» навларининг кўчати эса 5-10 процент камроқ бўлиши керак.

Кечроқ қайта чигит экилган майдонларда дарҳол ягана ўтказиш, кўчатлар сонини эса қайта чигит экилмаган майдонлардагига нисбатан 10-12 процент кўпроқ қолдириш керак. Ягана тугаллангандан кейин уч кун муҳлат ичида майдонлар ва ягананинг сифатини қайта кўздан кечириш талаб этилади.

Далаларни бегона ўтлардан тозалаш. Ёғингарчиликнинг кўп бўлиши, ҳароратнинг пасайиши бегона ўтларнинг тез ўсишига қулай шароит яратди. Унга қарши курашда иш органлари мукаммал бўлган трактор культиваторларидан фойдаланиш, қатор ораларини иложи борича кенгроқ қамраб олиш керак. Лекин ўсимликнинг тупроқ остида қолиши, илдизининг кесилишига йўл қўймаслик зарур.

Суғоришни кучайтириш. Қаттиқ ёғингарчиликлардан кейин қатқалоқ пайдо бўлган жойларда дарҳол уни юмшатиб, суғоришга киришиш керак. Озиқлантириш, қатор ораларини ишлаш билан уйғунлаштирилиб, ўз вақтида ўтказилган суғориш ғўзаларнинг тез ривожланишини таъминлайди.

Суғориш миқдори ва сув нормасини ўсимликнинг ҳолати, тупроқ шароити, ер ости сувининг жойлашиши ҳисобга олган ҳолда табақалаштириб белгилаш тавсия этилади. Кўпранг ерларда июнь ойида 1-2 марта, қумлоқ ва сув яхши сингмайдиган ерларда 2-3 марта, сизот сув юза жойлашган заҳкаш ерларда бир марта суғориш ўтказилса кифоя қилади. Шуни унутмаслик керакки, тупроқни етарли намлатмаслик ҳам, нормадан ортиқ намлатиш ҳам ғўзалар учун зараллидир. Шунинг учун суғоришнинг сифати устидан агромонлар назорати ўрнатиш, ҳар бир хўжаликда суғориш юзасидан графиклар тузиб, уни амал қилиш керак.

Кўпранг ерларда июнь ойида гектарига сарфланадиган сув миқдори 900-1000 кубометрдан, қумлоқ, сув яхши сингмайдиган, шунингдек, сизот сув юза жойлашган ерларда 700-800 кубометрдан ошмаслиги керак.

Суғоришни кеча-кундуз, группа усулида ўтказиш керак. Бундай усул қўлланганда сув тежалади, суғориш сифати яхшиланади. Суғоришда ёмғир ёғдирадиган машиналар, қаттиқ қувурлар сифонлар, найчалар ва бошқа механизациялашган суғориш воситаларининг ҳаммасидан фойдаланиш керак.

Шуни ҳисобга олиш керакки, суғоришни кечиктириш ерга солинган ўғитнинг самарадорлигини пасайтиради, шоналар ва тугунчаларнинг тўкилиш хавфини тудиради, оқибатда қора совуқ тушгунча териладиган пахта камаяди.

Ўсимлик ўсишдан орқада қолган, лекин шоналай бошлаган далаларда азот миқдорини кўпайтириш, озиқлантиришни биринчи навбатда ўтказиш керак, токи ўша майдонлардаги ғўзаларни июнь ойининг охирида яна бир марта озиқлантиришга имконият бўлсин. Аксинча, ғўзалар ўсиб кетаётган майдонларда азот нормасини бироз — ҳар гектар ер ҳисобига 40-50 килограммгача камайтириш, фосфор миқдорини эса 40-50 килограммгача кўпайтириш мумкин.

Озиқлантириш суғориш билан уйғунлаштириб борилганда, ўсимлик қулай сув ва озуқа режимига эга бўлиб яхши ўсади. Июнь ойи озуқасига аммиак селитраси, аммофос, сульфат аммоний, аммонийлаштирилган суперфосфат ва бошқа хил ўғитларни, шунингдек, чиритилган ғўнгни қўлиш мумкин.

Июнь ойида катта майдонлардаги ғўзалар гуллай бошлайди. Бундай кезда азотли ва фосфорли ўғитларга айниқса ўч бўлади. Ушандай ғўзаларни азот ва фосфор аралашмаси билан иккинчи марта озиқлантириш тавсия этилади. Бунда суғоришдан олдин ҳар гектар ерга 40-60 килограмм азот, 40-50 килограмм калий берилади. Ўғит қатор оралигига марзадан 3-4 сантиметр чуқурликда солинади.

Июнь ойи учун навбатлаб озиқлантириш графиги тузиш керак, унда далаларга солинадиган ўғитларнинг тури ва нормаси кўрсатилади. Ўғитнинг бир қисмини июль ойининг бошларида ҳам солиш мумкин.

Қатор ораларини ишлаш. Ғўзалар июнь ойида сув, ҳаво ва минерал ўғитни ҳар қачонгидан кўп талаб қилади. Шунинг учун қатор оралари комплекс ишлашни кучайтириш йўли билан тупроқни майин ҳолда сақлаш, бегона ўтлардан тозалаш катта аҳамиятга эга. Суғоришдан кейин ер етилиши билан дарҳол культивация ўтказиш тавсия этилади; культивация юмшатиш органлари воситасида ўтказилиши, қатор оралари чуқурроқ юмшатилиши керак. Кенг қаторли майдонларда ҳар бир қатор оралиғига бешта иш органи — четни юмшатадиган иккита наральник ва ўртани юмшатадиган учта орган ўрнатилади. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси кенг қаторларни юмшатиш учун культиваторларга еттита иш органи ўрнатиш ҳам мумкинлигини кўрсатди. Шундай қилинганда тупроқ қатламини 6-8 сантиметргача, қатор 8-10 сантиметргача чуқурликда, 12-14 сантиметргача кенгликда юмшатиш мумкин.

Озиқлантириш. Озиқлантиришни, қонда сифатида, суғоришдан олдин ўтказиш тавсия этилади. Ўғит культивация вақтида тупроқ қатламига солиб кетилади. Ўғит ташлаб кетадиган иш органлари оқучининг бизнига ўрнатилади.

Ўғитнинг турлари, нормалари ва бир-бирига нисбати ўсимликнинг ҳолати, агрохимия картограммаси ҳисобга олинган ҳолда табақалаб белгиланади. Шуни ҳисобга олиш керакки, ғўзаларнинг шоналаётган пайтда азот ва калийга бўлган талаби кескин ошади. Азот ва калий аралашмаси билан озиқлантираётганда ҳар гектар ер ҳисобига 50-60 килограмм азот ва 40-50 килограмм калий солиш мақбул.

Бундан аввал суперфосфат солинмаган ерларга ҳар гектар ҳисобига қўшимча 30-40 килограмм фосфор солиш мумкин. Ўсишдан орқада қолаётган ғўзалар парваришита, айниқса ўша майдонларда эрта пишадиган ҳосил тўплашга алоҳида эътибор бериш керак.

Зараркунандаларга қарши курараш. Об-ҳаво пахта далаларида кузги тунлам, шира-ўсимлик бити, трипс ва ўргимчаккананинг кўпайишига қулай шароит яратди. Июнь ойининг биринчи ярмида ҳамма жойда, хусусан чигит қайта экилган ерларда қора қуртнинг кўпайиши кутиляпти. Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро областлари, Фарғона водийсида айниқса ўргимчаккана билан зарарланган майдонлар кўплиги аниқланди. Кўсак қурти капаларлари оммавий равишда кўпайиши мумкин. Июнь ойининг биринчи ярмида ёш ўсимликларга акация, палак ва ғўза ширасн ҳужум қилиши хавфи бор. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро областлари, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд областларининг қатор районларида қарадрин пайдо бўлиши кутиляпти.

Буларнинг ҳаммаси хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари зиммасига қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг уяларини аниқлаш, унга қарши курашни кучайтириш вазифасини юклайди. Бунда, биринчи навбатда, қўл аппаратларидан, аҳоли яшайдиган пунктлардан узоқдаги ҳашаротлар билан қаттиқ зарарланган участкаларда эса самолётлардан фойдаланиш керак.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг кўпайиши ва кенг тарқалишига йўл қўймаслик учун, уларни қириб ташлаш чораларини кўришдан ташқари, пахта далаларининг атрофларида профилактик тадбирларни амалга ошириш керак. Бу, зараркунандаларни озуқа базасидан маҳрум этади, ўргимчаккана, карадрин ва кўсак қуртининг қиралб кетишига олиб келади. Профилактик тадбирларни ўтказаётганда заҳарли химикатлар тайёрлашга қаттиқ риоя қилиш, уни ишлатишда эҳтиёт бўлиш зарур.

Шуни унутмаслик керакки, июнь ойида ғўза парваришининг кучайтирилиши кўп жиҳатдан мўл ҳосилнинг тақдирини ҳал қилади. Шунга қараб иш тутмоқ даркор.

Тавсия СоюзНИХИ, ўсимликларни ҳимоя қилиш институти олимлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган.

ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

4 июнда Москва экранларига чиқарилган махсус кинофильм тарихий воқеага — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визитига бағишланди.

Фильм Леонид Ильич Брежнев сафарининг жуда катта халқаро аҳамиятини, унинг кескинликни юмшатиш ишига, тинчлик ва тараққиёт ишига шахсан қўшган катта ҳиссасини очиб беради.

Томошабинлар Л. И. Брежневнинг Федерал канцлер В. Брандт билан ўтказган амалий суҳбатларини, ГФР президенти Г. Хайнеман билан учрашганлигини ҳис эттирувчи кадрларни кўрадилар. Экранда савдо-саноат доираларининг вакиллари билан учрашувлар, Германия Коммунистик партияси, Ғарбий Германия касаба союзларининг раҳбарлари билан бўлган ўртоқларча суҳбат кўрсатилади.

Картинада СССР билан ГФР ўртасидаги битимларнинг имзоланиши ҳамда визит якунлари тўғрисида томонларнинг қўшма баёнотни имзолаш маросими кўрсатилган. Бу битим ва баёнот СССР билан ГФР ўртасида яхши қўшничилик муносабатларининг янги истиқболларини очиб беради.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг келиши муносабати билан ГФР демократик партиялари ва ташкилотлари Боннда ўтказган оммавий намойиш вақтида суратга олинган кадрлар таъсирли чиқди. «Совет иттифоқи билан дўстлашайлик, Европа хавф-хатарсиз бўлсин, мамлакатимизнинг мустаҳкам тинчлиги учун курашайлик!» деган шиор остида ўтган ушбу намойишда қариб 50 минг юғ ишчи қатнашди.

Фильм КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасининг улуғвор ҳаётий кучини намойиш қилади, миллион-миллион кишилар Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсатини қизғин қўллаб - қувватлаётганликларидан далолат беради.

«Л. И. Брежневнинг ГФРга визити» деган махсус рангли кинофильм ҳужжатли фильмлар марказий студиясида яратилди. Операторлар А. Истомин, И. Фиматов фильмнинг авторларидир.

(ТАСС).

зиёа ва ҳалоқатли ер ютиш, ҳалоқ этувчи вабо ва қаттиқ қақатчилик натижасида бирор миллий ҳалоқатга учраган ёки давлат ҳукмронлиги бир ҳонадондан бошқасига ўтган, ёки бирор дин иккинчисига алмашган ёки осмон ҳодисаларидан ва ернинг машҳур аломаталаридан бирон муҳим нарса юз берган бўлиши керак, булар узоқ асрлар ва кўп замонларда пайдо бўлади. Бундай ҳодисалар орқали маълум вақтлар, тарихлар аниқланди, дунёвий ва диёнат оид барча (ишларда) бунга эҳтиёж сезилади.

Барча мамлакатларга тарқалган халқлардан ҳар бирининг алоҳида тарихи бор, унинг подшоҳлари, пайғамбарлари, давлатлари ёки мен юқорида айтган ҳодисаларнинг биридан ҳисоблайди. Шу сана тарих ёрдами билан муомала ишларида ҳамда вақтларни билиш хусусида керакли муддатларни белгилайди ва бу сана, эра, давр, тарих ҳисобваш уларни бошқа халқлардан ажратади.

Қадимги сана давр, эра, тарих ҳисоблашларнинг энг аввалгиси ва энг машҳури, башариятнинг бошланишидир».

Демак, ҳар хил сана, даврлар, эра, тарих ҳисоблашлар, турли солномалар мавжуд. Аммо булар орасида бир умумийлик бор. Беруний фикрича бу умумийлик барча ирқ, миллат, халқларни бошланғичининг бошланғичини инсоният, башарият ташкил этишидир. Беруний шу сабабдан халқлар ҳамкорлиги, уларнинг ўзаро яхши муносабат қуйчиси бўлиб танилди. У феодал урушларга, халқаро низоларга нафрат билан қарар, низо урушларни қораларди.

«Ғавҳарларни билиш учун маълумотлар тўплами» («Минералогия») асарининг муқаддимасида Беруний инсон ва унинг аҳволи, унинг ердаги бурчи, олижаноблиги, шунингдек, жамиятнинг пайдо бўлиши, тил, тилларни ўрганишнинг муҳимлиги, иқтисод, ахлоқ ва одоб тўғрисида қимматли фикр-мулоҳазалар баён қилди.

Беруний назарида инсон бурчи Ерни, ер юзини обод қилиш, ҳушманзара этиш, чиройли, оромбахш этишдан иборатдир. Беруний инсон характери ҳақида гапириб, ундаги хилма-хилликни инсон табиатида мавжуд зиддият билан тушунтирмоқчи бўлади: «Инсон ўз табиатида бир-бирига қарамақарши бўлиб, мажбур қилувчининг мажбурияти натижасидагина қўшилишдан, қоришмалардан таркиб топган бадан эгасидир».

Бундай зиддиятли ҳолатдан келиб чиқиб, Беруний «Одамлар турмуш-ҳаётда ҳар хил ҳолатларда бўладилар, буларнинг бир тури билан улар мақталадилар, бошқаси билан эса қораланадилар» деб кўрсатган эди. Чиндан ҳам, ҳар бир инсон аҳвол-руҳияси турли ҳолатда турлича бўлиши қонунийлиги маълум. «Мақтовларнинг қутби, чўққиси мурувват, мурувватнинг ўқи (асоси) эса тозалик ва покизаликдир».

Беруний кишилардаги барча манфий-салбий томонларни қоралаган, яхшилик ва олийжаноблик ҳислатларини мадҳ этган. Ҳиммат қилишга интилишлик ҳам худди мурувватга бўлган интилишга ўхшаш. Яхшилик барча одамларга баб-баробар, хусусан, ўз аҳлига яхшилик қилишга интилишни англатади. Оҳиз қолганда орзу-тилаклар билан, қодир бўлганда амалий ёрдам беришга, интилишга айтилади. Яхшиликка Беруийнинг баҳоси ва таърифи мана шундай. У яна ёзади:

Инсонга энг яқин нарса унинг нафсидир. Шу нафс энг аввало ўзига яхшилик қилишга, кейин эса ўз розилиги билан теварагидаги энг яқинларига яхшилик қилишга интилиш керак. Инсонга шундай энг яқин нарса унинг баданига тегиб, терисини қоплаб турган кийим-бош,... бошпана, киши хизматини бажариб турган хизматчи, идишларда турадиган емак, ичимлик ва (ишлаш) қуролларидир.

Аммо кўринишдаги ғўзаллик ва тозилишдаги жамол — булар иккови ҳам ҳар бир одам учун севимли... Бу ўринда яхши, ғўзаллик реал ҳаётда деган Беруийнинг хулосаси қимматлидир. Шунинг билан бирга Беруний табиий ғўзаллик билан бирга инсон ахлоқида, феъли-атворида ғўзаллик борлигини қайд қилади ҳамда биринчидан иккинчининг туб фарқини кўради. Лекин шакл чиройи она қорнида ато қилинади, унн ўзгартириш бирор бир зотнинг ҳам қўлидан келмайди, дейди ў.

...Ахлоқдаги ва одобдаги нафс ғўзаллигига келсак, инсон уни ёмонликдан мақталишгача кўтаришга қодир, бу (албатта) нафсни покиза тутишга, уни руҳий тиббиёт йўли билан даволашга... ёмонлик, ёмонлик қолдиқ асоратини аста-секин ахлоқ китобларида айтилган усуллар билан кетказиш... мумкин...

Агар Беруний асарининг шу жойидаги барча схоластик-диний мулоҳазаларни олиб ташлайдиган бўлсак, бу ерда Беруийнинг асосий мақсади инсон қиёфаси, унинг юриш-туриши, хатти-ҳаракати ўз иродаси билан шаклланиши, унинг тарбияси билан, руҳий табобат билан юзага келишини такрор-такрор айтганини ўқиш мумкин.

«Яхшилик барча одамларга баб-баравар, (хусусан) ўз аҳлига, ҳамдам бўлишни англатади; оҳиз қолганда орзу тилаклар билан, қодир бўлганда амалиёт билан... ёрдам беришга интилиш... яхшиликдир». Бу жумлада Беруийнинг этика ва гуманизм борасидаги барча айтмоқчи бўлганлари тўла ифоланган, деса бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, гарчи у камбағал халқ, задагонлар, шоҳлар ҳамда уларнинг мақсадларининг зид, ҳар хиллиги ҳақида ёзган бўлса-да, лекин у юқорида баён этилган масалаларга конкрет тарихий, ижтимоий ва синфий ёндашишдан узоқ эди.

Ижтимоий адолат ҳақида Беруний қуйидаги сўзларида ўз фикрини ҳикоя қилиб берган: «Магрибнинг узоқ ўлкаларининг бирида эшшдиганлар ҳақида ҳикоя қилишларича, у ерларда ўлкани идора қилиш аёллар ва ер эгалари ўртасида навбатма-навбат бир-бирига ўтиб турармиш, кимга навбат келса, ўша уч ой ҳукм юритармиш. Муддати тугаши билан у ўз-ўзидан ўлкани идора қилиш амалидан тушиб миннатдорчилик учун садақа берар ва ўз аҳли орасига қайтар, бу билан у гўё кишандан бўшагандай хурсанд бўлар ва ўз иши билан банд бўлар экан. Бу шунинг учунки, идора қилиш ва бошқариш — роҳатдан маҳрум бўлиш деган сўздир, бунда у ўша жойдаги эзувчиларни эзилувчиларга нисбатан адолатли қиламан деб ҳолдан тойган бўлади. Бу деган сўз — уларни кўриқлаш, (у ер эгалларини)..., мол-мулки, ҳаётини ҳимоя қиламан деб тинкасини қуритиш деганидир. Бу эса киши ўз қўл остидагилардан ва уларнинг ўзларини ҳимоя қилиш учун уруш тадбирларини тайёрлаш борасида ўз жонини қийнашдир.

Одамлардан у (ҳоким) учун йиғиладиган тўлама пуллар ҳам маҳалла қоровулига бериладиган ҳақ мисолидир. Бу худди йўловчилар карвонбоши бўлган кишининг маҳорати ва даражасининг қадрига яраша унга ўзаро пул йиғиб беришига ўхшашдир. Унинг вақти ўтиши билан буларнинг ҳаммаси тугайди. Ҳар бир замоннинг ўзига хос одатлари бор. Ўз аҳли орасида буларга риоя қилиш керак, акс ҳолда низом ва бир хиллик йўқолади, тартиб ҳам йўқ бўлади».

Ҳозир қиқилган парчадан маълум бўлишича, Беруийнинг мамлакатни демократик усулда идора қилиш тушунчаси қадимги давр даври Афина ва ўрта асрларда Шимолий Италия шаҳарларида кўринган давлат тузилиши системасини ўрганиш туфайли ҳосил бўлган деса бўлур.

Беруийнинг яна бир мулоҳазаси жуда қизиқ: «Мақсад ва иродалар ҳар хил бўлгач, ҳунар ва саноатлар ҳам ранг-баранг бўлган. Бунда ишловчи (ҳоранда) доимо ишлатувчига адолат юзасидан бирор нарса эвазига ишлаб берадиган бўлади.

Бировни зўрлик билан ва ёллаб ишлатиш доимий эмас, ҳам беқарордир. Йўқса, талабларнинг ошиши ва уларнинг ҳар хил вақтда пайдо бўлиши шунингдек бўзан бировнинг бошқада бўлган нарсага шу онда эҳтёжсизлиги — булар ҳаммаси одамларни ўша нарсаларнинг умумий қийматини топишга, айрим ҳолларда унинг ўрнига ўтадиган умумий ўлчов, умумбадал топишга олиб келган. Бунинг учун одамлар кўзга марок берадиган, кўринишни гўзал, ўзи оз учрайдиган (лекин) узоқ вақт бир хилда турадиган нарсаларни танладилар».

Шу равишда Беруний олтин ва кумушларнинг айирбошлаш ва савдодаги муҳим аҳамиятини, кейинчалик баъзи одамларда олтин ва кумуш тўплашга хирс ошиши, бу эса охир-оқибатда ёмонлик, тубанлик манбаи бўлиб қолганини ёзади. У шундай дейди:

...шу йўсунда одамлар уларни йиғишга ва кўпайтиришга ортиқча хирс кўя бошлашди. Шу билан бу иккаласининг (олтин ва кумуш) одамлар орасида шараф ва баҳода тутган ўринлари табиий суръатда эмас, балки ғайри табиий суръатда юксалди.

Чунки зотан бу иккаласи тош бўлиб, одамни очликдан тўйғиза олмайди, ташналикни қондира олмайди, зарарни даф қилолмайди, машаққатдан сақлай олмайди, совқат бўлолмайди, инсоннинг... қувватини... тиклай олмайди ва одам ўрнини бошқий қолдира олмайди, қийин бўлиб одамларни асрай олмайди, иссиқ-совуқ, қийинчиликлардан инсонларни сақлай олмайди ва бошпана... беролмайди... ҳар бир нарса ҳам табиатан мақтанарли эмас. Башарти мақтовга сазовор бўлгудай бўлса ҳам, у нарса табиий равишда мақталмайди, балки (ҳаётда) зарур бўлиб бошқанинг эҳтиёжи тушадиган нарса унинг ёрдамида ҳосил бўлса, ўшандагина у мақталади. Чиндан ҳам олтин ва кумуш маъдандан чиқарилгач, худди ўрилган эшнлар ва сўйилган қайвонга ўхшаб қолади: ...шунга ўхшаб бойлик ҳам маъдандан олингач, зарб қилиниб олтин ва кумуш ҳолида савдо доирасида қўлдан қўлга ўтказишдан ёки ўз ҳақларини адо этишдан бўлак нарсага ярамайди.

Демак олтин билан кумушнинг асл қиммати инсонларга хизмат қилишда, савдо эҳтиёжларини ўташдадир. Аммо олтин ва кумушга хирс қўйиш, уларни тўплаб бойлик орттириш, фақат ёмонлик, тубанлик сабабчисидир.

Фикримизча, ушбу сатрларда Беруийдаги энг муҳим қонда: бировни зўрлик билан ва ёллаб ишлатишнинг доимий бўлмаслиги ва барқарор эмаслиги қондасидир. Яна шунисн ҳам борки, қайд этилган қондалар XI асрнинг 30-йилларида золим феодал тузум шароитида теран фикрли, ўткир зеҳнли олийжаноб Беруий томонидан баён этилгандир.

Абу Райҳон Беруний социология, этика ва ахлоқнинг асосий масалалари бўйича қатор чуқур фикрларни ўртага ташлайди, унинг бу ажойиб қондалари бировни зўрлик билан ишлатишга қарши озод меҳнатни мадҳ этади, золим шоҳлар ҳукмронлигини қоралайди, «одил шоҳлар» ҳукмронлиги, айниқса ўлкани демократик усулда идора қилишни кўкларга кўтаради.

Беруий мурувватни қуйлаб, бемурувватни қоралайди, яхшиликни ардоқлаб, ёмонликни беаёв танқид қилади, покизалик, ҳалоллик, ҳақгўйлик, сўз ва ишда барқарорликни юқори баҳолайди, қадрлайди, эъзозлайди, чин қалбдан таъқин қилади. У лаврфсизлик ва ишбузарманликни, нопокликни ва ҳаромийликни, ёлғончилик, иввогарлик, ўта пасткашлик ва ўта тубанлик деб қарайди. Беруий мардлик, адолатга фидоийлик, халққа, Ватанга, башариятга содиқ, эўравонлик ва туҳматга дадил курашдан иборат дейди.

Беруийнинг шаҳарлар, ҳунарлар, айирбошлаш, савдо, нарх-навО, олтин, кумуш, қимматбаҳо тошларни йиғиш, асраш кабиларга оид ишларни ҳам маълум даражада ҳар бир тадқиқотчини қизиқтиради. Шу билан бирга Беруий асарларида бой ва қимматбаҳо тарихий маълумотлар мавжуд. Маздак, Абу Муслим, Карматлик, Муканна бошчилигидаги озодлик ҳаракати, Мансур Ҳаллож, бутун-бутун халқларнинг диний тасаввурлари, уларнинг урф-одатлари, аҳлоқи, турмуши, мамлакатларнинг географик шароитлари, яъни об-ҳавоси, дарёлари, кўллари, денгизлари, ўсимликлари тўғрисидаги нодир маълумотлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга у ўз даврининг ажойиб жамиятшуноси сифатида тарих саҳнида кўринди.

Беруий ҳамма одамларни ўтмишдан келажак учун сабоқ олишга чақиради. Аммо Беруий атеист бўлган эмас, у исломни тан олган ва унинг асосларига ишонган. Бу табиий ҳолдир, албатта. Буни X—XI аср даврининг социал-иқтисодий тарихий шарт-шароитлари, Беруийнинг бевосита маълум синфий муҳит-феодал оқсуяклар аристократияси муҳити таъсирига боғлиқ ҳол деб тушунилиши керак.

Хоразмлик донишманд Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ўзбек халқининггина эмас, балки Ўрта Осиё барча социалистик миллатларнинг улуғ ва қудратли совет халқининг фахри, бутун жаҳон илғор кишиларининг ифтихоридир.

Тошкент трикотаж фирмасининг илғор тўқувчилари Насиба Знямуҳамедова ва Маелуда Ниёзаева шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Суратда: (чапдан ўнгга) М. Знямуҳамедова билан М. Ниёзаева.

М. Нуриддинов фотоси.

КОЛХОЗ КЎЗГУСИ

Республика пойтахтидан Катта Ўзбек тракти бўйлаб бораверишингизда толзор манзилгоҳга дуч келасиз. Бу жой — Янгийўл районининг «Ленинизм» колхози участкаларидан бири. Шу ерда дам олганингизда кўчанинг чап томонидаги тепаликда барпо қилинган янги иморатга ҳам бир кириб ўтинг. Бу ерда кечагина колхознинг «Меҳнат шон-шуҳрати» музейи очилди.

Музейни томоша қилганлар уни «колхоз кўзгуси» деб айтишмоқда. Дарҳақиқат, музейдаги олти залда колхознинг ўтмиши-ю, бугунги ҳаёти тўкис акс этган. Зallардаги экспонатлар деҳқонларнинг революциядан аввалги аянчли аҳволидан ҳикоя қилади. Нариги залга ўтишингиз билан колхоз тузилиши даврини акс эттирувчи ҳужжатлар ва экспонатларга дуч келасиз. Музей залларини айланиб колхоз экономикаси ва маданиятининг юксалишини тасдиқловчи кўргазмалар ва ҳужжатлар гувоҳи бўласиз. Колхоз ишлаб чиқаришининг қаҳрамонлари, пахтачиликнинг юксалишига оид стендлар олдида узоқ туриб қолишингиз турган гап. Бу стендларда ана шу колхоз қурилишининг ташкилотчиларидан бири — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқовнинг фаолиятидан ҳикоя қилувчи материаллар ҳам бор.

Музейнинг очилишига бағишланган тантаналарда район ва область колхозларининг вакиллари, меҳмонлар ҳам иштирок этдилар.

М. ҚУДРАТОВА.

ҲАР ТЎҒРИДА

«СЎЗЛОВЧИ» МАРКАЛАР

Сўнгги йиллар ичида қандай маркалар чиқарилмади, дейсиз. Турли-туман шаклда, олтин танга, ҳатто юрак шаклидаги маркалар ҳам пайдо бўлди. Улар ипакдан, алюминийдан ишланди. Лекин яқинда Бутан почта агентлиги чиқарган марка барча «рекорд»ларни дорга қолдирди. Ҳиволайда жойлашган бу князликда еттита «сўзловчи» марка чиқарилди. Бу маркаларнинг ҳар бири мўъжазгина пластинкадан иборат бўлиб, уни минутига 33 марта айланадиган проигрователга қўйилса, маркага ёзилган Бутаннинг тарихи ва маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи сухбатин, давлат гимни ва халқ қўшиқларини эшитиш мумкин.

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ

Кейинги пайтларда Аргентинада миллионерлар ва жамоат арбобларини ўғирлаб кетиш авж олиб кетди. Ўғирланганларни каттагина пул эвазига қайтариб беришаётир. Шунинг учун ҳам пулдорлар зирҳли автомобиль сотиб олишиб, бақайдан қопғон итлар боқишяпти, тана қўриқчилари ёллашяпти. Шу тариқа тана қўриқчиларига бўлган талаб ошиб бормоқда. Бундан фойдаланган махсус «идора»ларнинг ҳужжатларини эса каттагина пул эвазига мижозларга бақувват ва ишончли йигитларни топиб бермоқдалар. Америка ЮПИ агентлигининг хабар беришича, тана қўриқчиси соатига 40 доллар олади. Уларнинг бутунлай хавфсиз ҳис қилиш учун миллионерлар ҳар кеча кундузга тана қўриқчилари ёллаб, уларнинг ҳар бирига ойига 2000 доллар тўламоқдалар. «Идора» раҳбарлари эса ўз навбатида яхшигина бойлик орттирмоқдалар.

(АПН).

Шифокор мулоҳазалари

МЕДИЦИНАМИЗ ХОСИЯТИ

Улуғ Октябрь революциясигача халқ табибларга муҳтож эди, чунки у вақтларда «медицина» сўзининг оти бўлса-да, ўзи йўқ ҳисоби эди. Эндиликда замонавий шифохоналар, поликлиникалар ва малакали врачлар ҳаммага баравар хизмат кўрсатади, тегишли ёрдам беради. Кейинги вақтда кишилар ичида табибга борувчилар кескин камайди. Лекин баъзи кишилар ҳали ҳам табибларга мурожаат қиладилар. Бунинг оқибатида касалликни авж олдириб юборадилар. Табиблар эса «қош қўяман» деб, «кўз чиқарадилар». Аҳволи оғирлашган бемор сўнг шифохонага келади.

Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтига ҳам олдин табибларга бориб шифо топа олмагач, аҳволи оғирлашгандан сўнг малакали медицина ёрдами олиш учун келувчи беморлар учраб туради. Мисоллар келтирайлик. 17 ёшли М. Тожибоев 1973 йил 2 апрель куни йиқилиб, ўнг қўли жароҳатланган. Дастлаб у табибга борган, табиб эса унинг қўлини кўриб «қўлинг чиқибди, уни албатта солиш керак», деб чиққан қўлни «солибди». Бироқ оғриқ қолмаган. Шундай бўлса ҳам бир ҳафтагача врачга бормаган. Дард зўраяверганч, 11 апрель куни институтга келади. Текшириш натижасида қўл суяклари синганлиги аниқланди. Табиб уни ўз ўрнига қўяолмаган. Натижада қўлнинг шакли ва иш қобилияти бузилган. Шунинг учун уни фақатгина операция йўли билан даволаш мумкин бўлди. Агар у жароҳат юз берган куни келганда эди, у ҳолда синган суякларни ўз жойига операциясиз қўйиш мумкин эди.

Институт қабулхонасига Тошкент область Калинин районида турувчи А. Яҳёев деган 25 ёшлик йигит келди. У 12 кун аввал йиқилганини, сўнг табибга борib наф кўрмаганини айтди. Текширдик. Унинг ўнг елка суяги бўғимидан чиқиб кетган эди. Чиққан суяк ўша заҳоти жойига солинди. Беморнинг аҳволи дарҳол енгиллашди. Жароҳатланган йигит «Мен 12 кундан бери бекорга табибга қатнаб овора бўлибман, оғриқка чидай олмай кеча-кундуз ухламадим» деб, ҳижолат тортди.

Нима учун юқоридаги беморларни табиблар даволай олмаган? Чунки улар медицинадан хабари йўқ, киши организми тузилиши ҳақида илмий тасаввурга ҳам эга эмас. Бироқ «ота касб» деб, «билакни шимариб» чиқмаган суякларни чикди, синмаганларини синди деб иш тутаверишади. Тўғри, баъзи табиблар кичик суяк чиқишларини солиши мумкин, лекин бу жуда оз миқдорни ташкил қилади. Синган суякларни эса улар тамоман даволай олмайдилар, ҳатто аниқлашлари ҳам қийин. Табиблар «даволаган» беморларнинг синган суяклари қўлнича битмайди, бунинг моҳиятини улар тушунмайдилар.

Табиблар, одатда, қора дори ва наркотик моддаларни истеъмол қилишни ёки қон олдиришни буюрадилар. Булар эса санитария талабларига мутлақо зид равишда амалга оширилади. Шу ўринда уларнинг бод касали, лат еган ёки синган, чиққан бўғимларни даволаш усулларини кўрсатиб ўтиш кифоя. Уларнинг «даволаш усули»га кўра, лат еган, синган суяклар ва чиққан бўғимлар қимирламайдиган қилиб, тахтакачлаб боғлаб қўйилади ва натижада нормал қон айланиш бузилади ҳамда касалнинг аҳволи баттар оғирлашади. Бундай йўл билан «даволанган» беморлар аксарияти институт ёки касалхоналарга келтирилади ва дард оғирлашганлиги туфайли уларни даволаш қийин бўлиб қолади.

Тўрақул Шомуродов — 13 ёшлик бола. Бундан бир йил аввал дарахтдан йиқилиб, ўнг қўлининг билак суяклари синади. Уни ўша куни ота-онаси табибга олиб боради, табиб эса қўлни тахтакачлаб 20 кунгача очмасликни буюради. Кун ўтиши билан қўл шишиб, қон томирларини қисади. Оқибатда ўша қўл шол бўлиб қолади. Бемор кейинчалик институтимизга мурожаат қилди, уни операция йўли билан даволадик.

Киши йиқилиб ўзини ёмон сезса, қўли, оёғи жароҳатланса, уни дарҳол шифохонага олиб бориш керак, чунки беморга фақат медицина муассасаларидагина тўғри ва малакали, тез тиббий ёрдам берилади.

Жароҳат юз берганда ҳар бир киши биринчи ёрдамни кўрсатиши лозим, бу эса бемор аҳволини енгиллаштиради, жароҳат тез битади.

Қўл суяклари бўғимидан чиқиш ҳоллари рўй берса, уни билмай туриб ҳеч вақт жойига солишга уриниш, табибга асло бориш керак эмас. Жароҳат юз берган заҳоти қўлни фанера ёки тахта парчаси ёки картон билан боғлаб, дока билан ўраб, бўйинга осиб, дарҳол врачга мурожаат қилиш лозим. Оёқ бўғимлари чиқиш ҳоллари рўй берса, беморни турғазмаслик керак, акс ҳолда жароҳат оғирлашиши мумкин. Бунда ҳам оёқни тахта кўйиб боғлаш керак ҳамда беморни медицина муассасаларига олиб бориш лозим.

Қўл ва оёқ суяклари синганда уларни медицина муассасаларига юбориш учун махсус шиналар ишлатилади, булар ҳам фанера, тахта, сим ва симтўрлардан ясалиб, улар асосан фельдшер пунктлари, амбулаторияларда, қишлоқ санитария постларида, район шифохоналарида бўлади.

Умуртқа поғонаси суяклари синганда беморни ўрнидан қўзғатмаслик керак, чунки синган суяк орқа мияни эзиб қўйиши ва синган тос суяги ўз ўрнидан қўзғолиб кетиши мумкин. Шунинг учун бу каби беморларни ҳам дарҳол фанера ёки тахта устига ётқизиб «Тез ёрдам» машинаси чақириш, махсус медицина замбилида шифохонага олиб бориш керак.

Бизнинг институтимизда туғма суяк касалликлари: туғма чўпоклик — сон суягининг бўксасидан чиқиши, маймоқлик — қийшиқ оёқлик, қийшиқ бўйин, умуртқа поғонасининг қийшайишлиги касалликлари ҳам муваффақиятли даволанмоқда.

Н. ШОМАТОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти директори, профессор.

Т. ҲАСАНОВ,
медицина фанлари кандидати.

АХБОРОТ

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ДОНГДОР СТАНЦИЯ

Қозоғистон паррандачилик зонал тажриба станциясининг довруғи Иттифоқимизга машҳур бўлиб қолди. Бу ерда наслдор товуқ, ўрдаклар кўпайтирилиб, жўжалари парваришланмоқда.

Ўтган йили Ўзбекистон паррандачилик хўжаликлари бу станциядан йиғанга 180 тадан тухум қиладиган 5 минг ўрдак ва инкубация учун ўн минг тухум олган эдилар. Бу йил тажриба станцияси Ўзбекистонлик паррандабоқарларга икки минг ўрдак ва олти минг дона тухум жўнатди. Ўзбекистонликлар ёз мавсумида яна 4 минг наслдор ўрдак ва 6 минг дона тухум оладилар.

Г. МАРАЛБОЕВ.

ЭКРАНДА УЧРАШУВ

Андижон медицина институти шифохонасида беморларни даволаш, медицина хизмати кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Ихтисослаштирилган шифохонанинг олти бўлими хоналарда ҳаво мўътадиллаштириб турилади. Қийин ва масъулиятли операция пайтларида бўлажак шифокорлар — институт студентлари тажрибали жарроҳларнинг ишларини алоҳида киноленталарга туширилган кадрлар орқали кузатадилар. Бу ерда беморлик варақалари ўрнига овоз ёзиб олувчи диктафондан фойдаланилади.

Институт шифохонасида яна бир янгилик жорий этилди. Беморларнинг кўнглини сўраш учун келганлар энди ўз қариндошуруғлари билан кўзгули телефонда-экранда учрашадиган ва суҳбатлашадиган бўлдилар.

Н. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ТЕАТР САФАРИ

Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театри коллективи Бухоро области бўйлаб гастроль сафарига йўл олди. Театр репертуарида Зиё Саид ва Назир Сафаровларнинг «Тарих тилга кирди», Уйғунининг «Парвоз», Асқад Мухторнинг «Самандар» ва француз адиби А. Дюманинг «Ажал минораси» каби спектакллар бор.

Театр ижодий коллективи Бухоро шаҳар меҳнаткашлари, область колхозлари деҳқонлари ва совхозларнинг ишчилари билан учрашди.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

САДОҚАТ

Меҳридарё ўқитувчилар ҳақида фикр юритгудек бўлсак, буюк мутафаккир А. Навоийнинг ушбу мисралари беихтиёр ёдимизга тушади:

Ҳаҳ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас анинг ҳаққин адо юз ганж ила.

Келажагимиз, умидимиз бўлган ёш инсонни вояга етказиш, уни ҳар томонлама камол топтириш ўқитувчи-тарбиячидан катта масъулият талаб қилади.

Директорнинг мактабдаги вазифаси эса янада серқирралидир. Шунинг учун ҳам у вақт билан ҳисоблашмаслиги, ҳар куни ва ҳар соатда изланиши, ари бол ташигани каби у ҳам ўқитувчилар ва ўқувчилар коллективига янгиликларни олиб бориши лозим.

Жонкуяр коммунист, халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, актив жамоатчи, моҳир ташкилотчи Васила Хўжаева ҳам масъулиятни тўла ҳис қилувчи талабчан, меҳрибон ишбошидир.

Васила Хўжаева ўқитувчиларнинг энг яқин кўмакдоши, маслаҳатчиси, ҳамманинг қалбига йўл топа оладиган ва изланувчан раҳбар. Дарс самарадорлигини ошириш учун курашиш, ўқитувчиларнинг ижодий изланишларини таъминлаш, метод бирлашма ишларини йўлга қўйиш, дарсларнинг кўргазмали бўлиши учун курашиш, машғулотларни кабинет системасида ўтказиш ишлари директорнинг ҳар кунги ташвишидир.

Эл олқишига сазовор бўлган опанинг ҳаёт йўли ибратли. У ёшликдан бола тарбиясига меҳр қўйган. Педагогик фаолиятига ҳам 30 йилдан ошди.

Опанинг меҳнатсеверлиги, жамоатчи ҳамда фидойилигини назарда тутган шаҳар халқ маорифи бўлими 1948 йилда уни В. И. Ленин номидаги 28-ўрта мактабга директор қилиб тайинлади.

Васила опа кўп йиллардан бери район хотин-қизлар советининг, район болалар тарбияси билан шуғулланувчи комиссия аъзоси, 1964 йилдан район ревизия комиссия аъзоси ҳамдир. Ҳозир С. Раҳимов район советнинг депутати.

Обрў мисқоллаб йиғилади, дейди халқимиз. Чиндан ҳам обрў катта меҳнат, ўз касбига бўлган садоқат эвазига қўлга киритилади.

«Гуручариқ» маҳалла аҳолиси Васила Хўжаевани яна Собир Раҳимов раҳони депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Моҳир педагог халқ ишончини ҳаргалгидек шараф билан оқлайди, деб ишонамиз.

А. ШАРИПОВ,
А. ИСРОИЛОВ.
Тошкентдаги 28-мактаб ўқитувчилари.

Спорт. Спорт. Спорт.

БЕШ ПОҒОНА ЮҚОРИ

Кейинги йилларда Бутуниттифоқ миқёсида республикамиз физкультура ва спортининг мавқеи ортиб бораяпти. Иттифоқдош республикалар ўртасида физкультура ва спорт ишларини янада яхшилаш юзасидан олиб борилаётган анъанавий мусобақанинг ўтган йил якунлари ҳам ана шуни тасдиқлайди.

Кечагина Москвадан хушхабар келди. Унда иттифоқдош республикалар мусобақасининг ўтган йилги якунлари маълум қилинади. Шу маълумотларга кўра, республикамиз физкультура ва спортни ривожлантириш борасида иттифоқдош республикалар ўртасида саккизинчи ўринни эгаллаги билдирилади. Ваҳоланки, 1971 йил якунларида республикамиз бу кўрсаткич бўйича ўн учинчи ўринда эди.

Шу тариқа ўтган йил якунларига кўра, Ўзбекистон Урта Осиё республикалари ва Қозоғистондан ўзиб кетди. Республикамиз халқаро классли спорт мастерлари тайёрлашда иккинчи ўринни эгаллади. СССР терма командасига номзодлар етиштириб беришда Ўзбекистон учинчи ўринга кўтарилди. Ҳозир республикамиз вакилларидан 70 йигит-қиз мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қиляпти.

ЯНГИ МАСТЕРЛАР

Республикамиз спортчиларининг бу йилги муваффақиятлари ҳам дуруст. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети Бутуниттифоқ ягона спорт квалификацияси талабларини бажарганликлари, нормативларни ado этганликлари учун республикамиз вакилларидан бир неча кишига СССР спорт мастери фахрий унвони берди. Улар орасида фарғоналик классик курашчи В. Шмойлов, тошкентлик гимнастикачи Л. Пешчина, самарқандлик мерганлардан Л. Эгамбердиева, Н. Болшаковалар бор.

БЕКОБОДЛИК ОЛТОВЛОН

Туркманистон пойтахтида мамлакат қайиқ ҳайдаш усталари чемпионатининг зонал мусобақалари бўлди. Унда Урта Осиё республикалари терма командалари қатнашди. Ўзбекистон командаси ёшлари мусобақанинг дастлабки куни унча тузук натижаларга эриша олмадилар. Лекин кейинги кунлардаги шахсий мусобақаларда Бекобод шаҳри вакилларидан М. Эшонхолов, Н. Амирҳусанов, С. Васильков, Д. Галиев, И. Мухчи, А. Зайцевлар алоҳида маҳорат кўрсатишди. Бу олтовлон спорт мастери нормативини бажаришга эришди.

ЕВРОПА ЧЕМПИОНЛАРИ

Хельсинки шаҳрида Европа биринчилиги учун классик кураш усталарининг мусобақаларида совет спортчиларидан 9 киши қатнашди. Уларнинг 8 нафари мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, медалларни қўлга киритдилар. Ш. Ҳисамитдинов, Н. Давидян, Н. Бальбошин ва В. Резанцев ўз вазн тоифаларига кўра Европа чемпионлари бўлдилар ва олтин медалларни қўлга киритдилар. Ю. Соколов кумуш, В. Нецветаев, В. Арутюнов ҳамда Ш. Морчиладзе эса бронза медаль совриндорлари бўлишди.

ҚУЁШ ҲАММОМИ

Қуёш битмас-туганмас энергия манбаига эга. Унинг бир квадрат километр саҳига тушадиган нурининг қуввати Тахиатош ГРЭСининг қуватидан бир неча баравар кўпдир. Яқинда Хоразмлик олимлар юзаси 100 квадрат метр том устига йил давомида 35—40 тонна кўмир ёқилганда чиқадиган энергияга баравар бўлган қуёш иссиқлиги тушишини ҳисоба олиб, бу энергиядан халқ хўжалигида фойдаланишга қарор қилишди. Кўп ўтмай Гурлан районидаги «Ўзбекистон» колхозида «Қуёш ҳаммоми» қуриб ишга туширилди.

Озарбайжонлик олим, физика-математика фанлари доктори Г. Мамедбейлининг конструкцияси асосида яратилган бу «Қуёш ҳаммоми»нинг тузилиши содда: унга фақат 21 квадрат метр ойна, 180 метр қувур, 0.3 куб метр ёғоч, 4 килограмм полиэтилен плёнкаси ва 7,5 куб метр қум ишлатилди. Қурилманинг ҳар бир квадрат метри учун 13 сўм сарфланди, холос. Бу харажатларни икки йилда қоплаш мумкин.

«Қуёш ҳаммоми» капитал ремонтсиз 10-15 йил бемалол ишлайверади. Сатҳи 20 квадрат метр бўлган бундай қурилмада ҳар куни 1200—1600 литр сувни 45-70 даражада қиздириш мумкин.

Қурилма колхозга 250 сўмга тушди. Ундан ҳозир дала шийпонларидаги душхоналарда фойдаланилмоқда. Келгусида унинг хизмат доираси янада кенгаяди. Колхоз правлениеси «Қуёш ҳаммоми»дан теплицаларни ҳам қизитиш учун фойдаланмоқчи.

Р. ТУРСУНОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 17.25— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 —Мультфильм. 19.05 — «Юлдуча» 19.40—Ахборот. 19.55 — Сайловдан—сайловгача, 20.20 — Ўн минут музика, 20.30 — Ахборот, 20.50—«Ёшлик» студияси кўрсатади. 22.00 — «Вақт», 22.30 — «ЧАШМА» (такрорий кўрсатув). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.25 — ТОШКЕНТ. 10.30 — Мультфильм. 10.40 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 11.10—**Алавуддиннинг сеҳрли лампаси** (бадиий фильм), 12.30 —МОСКВА. 19.55 — Истеъмол моллари — халққа. 20.25 — **Тоғ қўшиғи** (бадиий фильм), 22.00 — ТОШКЕНТ 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари, 19.15 — **Қасос** (бадиий фильмнинг 2-серияси), 20.15 — Телефильм. 20.35 —Фильм-концерт, 20.55 — Телеспектакль.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/VI да — **Зоҳушна.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қонун қонунлигича — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Чунки улар бир-бирларини севадилар — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Пойгачилар — «ЧАЙКА» (кундуз соат 1.30, 5, кеч соат 8.30 минутда), «МОСКВА» (кундуз соат 3, кеч соат 7 да), «ВОСТОК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Сервиқор оғалар — (арталаб соат 10, 11.40, кеч соат 9.20 минутда), **Дайди** (кундуз соат 1.30, 4, кеч соат 6.30 минутда) — НАВОИЙ номли.

Ёз уйқулари, Музикали воқеалар — «ДРУЖБА» (арталаб соат 11, кундуз соат 2, 5, кеч соат 7.40 минутда).

Сакраш ҳуқуқи — «ТОШКЕНТ СОВЕТИННИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Хотинининг номуси — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Мўлжалга ур, Асунта! — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Инсон ёлғиз эмас — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Аёллар ўйиндан ташқари ҳолатда — «СПУТНИК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Текшириш менга топширилган — «МОСКВА» (арталаб соат 11.30, кундуз соат 1, 3, кеч соат 9 да).

ЕЗГИ БИНОДА

Пойгачилар (кеч соат 8.50 минутда), **Сакраш ҳуқуқи** — кеч соат 10.30 минутда) — «ФЕСТИВАЛЬ».

Инсон ёлғиз эмас — «ХЕВА».

Адрес: Ер планетаси — КИРОВ номли.

Ёз уйқулари, Музикали воқеалар — ТЕЛЬМАН номли.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
1973 йил учун
ишлаб чиқаришдан ажралган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқиш учун

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

материалшунослик (тўқимачилик), тўқимачилик ҳом ашёси (пахта ва табиий ипак)ни дастлабки ишлаш, тўқимачилик материаллари технологияси (пахта толасини йигириш, ипак технологияси ва толали материалларнинг химиявий технологияси), тўқимачилик саноати экономикаси, тўқимачилик саноатини бошқариш ва планлаштириш, ташкил этиш.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда қуйидаги мутахассислик бўйича: юқори молекуляр бирикмалар химияси ва химиявий толалар технологияси.

Аризалар 15 сентябргача қабул қилинади.

Имтиҳонлар икки муддатда: 1973 йилнинг июнь ва октябрь ойларида ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Горбунов кўчаси, 5-уй, телефон 55-92-38.

ЎРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ
1973-74 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Институтда ўқиш кундузи бўлади.

Институт педиатр врачларни тайёрлайди.

Ўқиш муддати 6 йил. Кириш имтиҳонлари — химия, биологиядан (ёзма), физикадан, рус тили ёки ўзбек тили ва адабиётидан (ёзма); кириш имтиҳонлари топширадилар.

Медаль билан мукофотланганлар ва аълочилар математикадан бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги бўйича оғзаки, қолган барча мутахассисликлар бўйича ёзма имтиҳон топширадилар.

Кириш имтиҳонлари кундузги факультетларга кирувчилардан — 1 августдан 20 августгача, кечки факультетларга кирувчилардан — 11 августдан 10 сентябргача, сиртқи факультетларга кирувчилардан — 10 сентябргача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700045, Тошкент Л-45, Оборонная кўчаси; 1-уй, қабул комиссияси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
1973—1974 ўқув йилига

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Институт қўйидаги мутахассисликлар бўйича инженерлар тайёрлайди:

кундузги факультетларда — тепловозлар ва тепловоз хўжалиги, вагонсозлик ва вагон хўжалиги, темир йўл транспортида автоматика, телемеханика ва алоқа; темир йўллар эксплуатацияси, темир йўл транспорти экономикаси ва уни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби, саноат ва граждан қурилиши; темир йўллар қурилиши, йўл ва йўл хўжалиги; сув таъминоти ва канализация.

кечки факультетларда — темир йўллар қурилиши, йўл ва йўл хўжалиги; тепловозлар ва тепловоз хўжалиги, бухгалтерия ҳисоби;

сиртқи факультетларда — кундузги факультетларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган мутахассисликларидан ташқари, қуйидаги мутахассисликлар бўйича инженерлар тайёрлайди: темир йўл транспортини электрлаштириш, саноат теплоэнергетикаси, кўприклар ва тоннеллар, қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш (темир йўлларда), иқтисодий ахборотларни ишлашни механизациялашни ташкил этиш.

Институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: олий ўқув юртига кириш учун характеристика, ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан кўчирма (корхона ёки колхоз томонидан тасдиқланган), корхона ёки ташкилотлар томонидан ўқишга юборилганлар махсус белгиланган формадаги йўлланмани тақдим этадилар, 3х4 см ҳажмидаги 4 дона фотосурат, медицина справкаси (286-форма).

Паспорт, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Аризалар кундузги факультетларга — 20 июндан 31 июлгача, кечки факультетларга — 20 июндан 31 августгача, сиртқи факультетларга 20 апрелдан 31 августгача қабул қилинади.

Сиртқи факультетларга кирувчилар институтга кириш тўғрисидаги аризаларини институтнинг ишлаб турган жойларига яқин бўлган ўқув-консультация пунктларига топширадилар.

Барча факультетларга кирувчилар (бухгалтерия ҳисоби мутахассислигидан ташқари) математикадан (ёзма ва оғзаки), физикадан (оғзаки), рус тили ва адабиётидан (ёзма); бухгалтерия ҳисоби мутахассислигига кирувчилар математикадан (оғзаки), СССР тарихидан (оғзаки), географиядан (оғзаки), рус тили ва адабиётидан ёки ўзбек тили ва адабиётидан (ёзма) кириш имтиҳонлари топширадилар.

Медаль билан мукофотланганлар ва аълочилар математикадан бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги бўйича оғзаки, қолган барча мутахассисликлар бўйича ёзма имтиҳон топширадилар.

Кириш имтиҳонлари кундузги факультетларга кирувчилардан — 1 августдан 20 августгача, кечки факультетларга кирувчилардан — 11 августдан 10 сентябргача, сиртқи факультетларга кирувчилардан — 10 сентябргача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700045, Тошкент Л-45, Оборонная кўчаси; 1-уй, қабул комиссияси.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Тошкент шаҳар ва Фрунзе район соғлиқни сақлаш бўлими коллективлари, Фрунзе район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири А. Р. Раҳматуллаевга отаси

Маҳбуба БОБОНАЗАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Автомобиль йўлларини қуриш ва эксплуатация қилиш министрлиги ҳамда Автомобиль транспорти ва тоғ йўллар ишчилари касба союзининг республика комитети министр ўринбосари Р. Р. Юнусовга отаси

Расул Юнусович ЮНУСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 388142. коммутатор — 330249 дан 330256 гача.

№ 131. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 02500.